REPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

Ушбу сонда:

2 УЮШМАГА ЕР АЖРАТИЛДИ

УНДИРИЛГАН ҚАРЗ

3 НИҚОБ остида уюштирилган ноқонуний текшириш

4 ЯХШИЛИК УНУТ БЎЛМАС

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 6 (362) 2004 йил 10 феврал сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Фермер хўжалигининг ўзига қарашли мол-мулкка бўлган мулк ҳуқуқи давлат ҳимоясидадир. Фермер хўжалигининг мол-мулки, агар унинг аъзолари ўртасидаги келишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилган бўлмаса, унинг аъзоларига умумий биргаликдаги мулк асосида қарашли бўлади.

Фермер хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хўжалик аъзолари томонидан ўзаро келишув асосида амалга оширилади.

Фермер хўжалиги таркибидан бошқа фермер хўжалиги ташкил этиш мақсадида чиқаётган аъзоларгина фермер хўжалиги таркибидан чиққанда мол-мулкдаги улушни натурада ёки тенг қийматда олиш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни ҳосил қилиш, қўпайтириш, олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

"ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 20-МОДДА.

Istiqlol va imkoniyat

ТАРАҚҚИЁТНИ БЕЛГИЛОВЧИ ОМИЛЛАР

Куни кеча Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил якунлари ва 2004 йилдаги ислоҳотларнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди. Унда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг бориши ва хусусийлаштириш жараёнларининг кечиши масаласига асосий эътибор қаратилди. Шу билан бирга капитал қурилиш соҳаси ва маъмурий соҳадаги ўзгаришлар, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ва уларни ташқи бозорга чиқариш борасида олиб борилаётган ишлар сарҳисоб қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу йиғилиш ўзига хос руҳда ўтди. Бунга мамлакатимиз Президентининг йиғилганларни мажлис кун тартибидаги масалаларга фаол, даҳлдорлик туйғусини чуқур ҳис қилган ҳолда иштирок этишга даъват этгани туртки бўлди.

Йиғилиш ҳақида батафсил сўз юритишдан аввал 2003 йилда эришилган асосий ютуқларни келтириб ўтсак.

Мамлакатимизда ўтган йили ялпи ички маҳсулот 4,4 фоизга ўсгани ва саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлари ҳажми 6,2 фоизга кўпайгани иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш изчил амалга оширилганининг самарасидир. Қатъий пул-кредит сиёсатининг юритилиши эса нарх-навони жиловлаш имконини берди. Миллий валюта конвертацияси таъминланган, шубҳасиз, 2003 йилнинг муҳим муваффақиятларидан бири бўлди.

Ташқи иқтисодий фаолият борасида ҳам тилга олишга арзигулик ютуқлар етарли: экспорт ҳажми 24 фоиздан кўпроққа ўсган, ташқи савдода ижобий сальдо 760 миллион АҚШ долларидан ортиқ; 2003 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига инвестицияларнинг кириб келиши ҳам кенгайган. Мамлакат иқтисодига қарийб 2 триллион сўм сармоя жалб қилинди. Бу ҳақда Президентимиз қуйидагича фикр билдирди: **«Тўғридан-тўғри хорижий сармояларнинг Ўзбекистонга кириб келаётганига алоҳида эътибор бераётганимиз бежиз эмас. Ким ёки қайси молиявий муассаса мамлакатимиз бозорига, ишлаб чиқариш соҳаларига ҳеч қандай кафолат сўрамасдан маблағ жалб қилади? Унинг жавоби битта: Иқтисодиётимизда кечаётган ислоҳотлар нечоғли чуқурлашса, эркинлаштирилса, бу хорижий сармоядорга шунча ишонч бағишлайди».**

Хуллас, 2003 йил якунлари таҳлили эришилган марралар билан чекланиб қолмаслик, иқтисодиётдаги ўзгариш ва янгиланишлар доимий ва узлуксиз давом этиши лозимлигини яққол намоён этмоқдаки, бу 2004 йилда ҳам ислоҳотлар жараёни жадал давом этади, деганидир. Президентимиз таъкидлаганидек, 2004 йилда барча соҳаларда ислоҳотларни янада эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, миллий валютани мустаҳкамлаш, солиқ юкини камайтириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни рағбатлантирувчи устувор йўналишларни ишлаб чиқишга асосий эътибор қаратилади. Бунинг амалий натижаси ўлароқ, жорий йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 6 фоизга ошириш кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнида хусусийлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ўтган йили расмий хусусийлаштиришдан реал хусусийлаштиришга ўтиш ва бу механизмни такомиллаштириш юзасидан аниқ қадамлар ташланди. Бироқ ҳали муаммолар бисёр. Уларнинг ечимларидан бири аҳолида мулкдорлик туйғусини янада мустаҳкамлашдан иборатдир. **"Аҳолида акцияга қиймат-баҳо қоғоз ва фойда келтирувчи манба сифатида қарашни шакллантирмасдан туриб, хусусийлаштиришда бирор ютуққа эришиш мушкул экани кундай равшан",** — деди бу ҳақда фикр юритган Ислом Каримов.

Йиғилиш кун тартибидаги асосий масалалардан яна бири фермер хўжаликларни ривожлантириш хусусийда атрофлича мулоҳаза юритилди.

«Фермерлик ҳаракати устувор аҳамият касб этаётгани бежиз эмас. Меҳнат унумдорлиги фермер хўжаликларида ширкатларга нисбатан анча юқори экани амалда ўз исботини топди. Хуллас, фермерлик қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларда ўзини оқлади ва у эртанги кунни белгилаб берадиган соҳага айланди, — деди Президентимиз бу ҳақда фикр юритар экан. — Шу боис фермерлик ҳаракати ривожига тўсиқ бўлиш ёки ғов бўлиб туриш давлат сиёсатига қарши чиқиш сифатида баҳоланмоғи жоиз».

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, адлия ва прокуратура идоралари фермерлик ҳаракатига қўйилган ҳар қандай тўсиққа қатъий курашиш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, йиғилишда Президентимиз раҳбарларнинг элюрт олдидаги масъулиятини яна бир бор эслатиб ўтди.

Ҳақиқатдан ҳам, юрт ободлиги ва унинг равнақи кўп жиҳатдан раҳбарларга боғлиқ. Бироқ Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзига муносиб ўринни эгаллашни пировард мақсад қилиб қўйган экан, бу ҳар бир раҳбар ва юртдошимизнинг камарбаста ҳаракат қилишини тақозо этади. Мадомики, бугун илму-фаннинг янги-янги юксак қирраларини забт этишга қодир халқгина дунёда юқори мавқега эришиши мумкинлиги кундай равшан экан, бир ҳақли савол туғилади: Ўзбекистонни иқтисодиётнинг қайси соҳаси дунёга олиб чиқади? Қайси тармоқларнинг тараққий эттириш ҳисобига жаҳон ҳамжамиятида муносиб жой олишимиз мумкин? Ҳукумат йиғилишида давлатимиз раҳбари бу ҳақда атрофлича тўхталар экан, уни бир сўз билан МИЛЛИЙ УЙҒОНИШ дея атади: **юртимизнинг ҳар бир фарзанди ҳар тонг ўзига ватанимнинг эртанги куни қандай бўлади ва бунда менинг ҳиссам-чи, деган саволни бериши, жамият шу ўй-хаёл билан яшамоғи даркор. Бунга эришиш миллий уйғониш демакдир. Бу тараққиётимиздан янги уйғониш даври ва уйғониш босқичининг бошланиши бўлади.**

Биз шундай замонда яшамоқдамизки, энг замонавий тармоқлар, хусусан, компьютер ва коммуникация технологиялари борасида дунёда бемалол беллаша оладиган фарзандларни вояга етказаётган халқ дунёда муносиб ўринни эгаллаши мумкин. Бундай миллий мутахассисларни тайёрлаш учун камида ўн йил керак. Шу маънода таълим тизимимизда янгилик бўлган академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига кўпроқ эътибор берилаётгани бежиз эмас. Эртанги куннинг қиёфасини яққол тасаввур қилиб ҳаммамиз — халқ, миллат бирлашишимиз керак. Дунё тажрибаси яққол исботлайдики, фақат шу орқали кўзланган мақсадларга эришамиз. Япония ёки Жанубий Кореяни олайлик, уларнинг тараққиёт йўлида, албатта, ўзига хосликлар бор, бироқ битта умумий хусусиятни кузатиш мумкин: энг машаққатли дамларда "майли, бугун оғир, аммо эртага марра бизники" дея миллат бирлашган. Демоқчиманки, биз ҳам шу йўлдан бормоғимиз, миллатимиз бирлашган ҳолда янги марраларни кўзлаб илдам одимлашимиз зарур".

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, Президентимиз ҳукумат йиғилишида сўзлаган нутқида кўтарилган ҳар бир масала муҳим аҳамиятга эга. Зеро, раҳбар масъулияти, миллий уйғониш ва миллат бирлиги ҳозирги кунда халқимиз учун долзарб вазифа ҳисобланади. Чунки халқ уйғонса, миллат бўлиб бирлашса, албатта, бундай миллат дунё узра ўзининг муносиб мавқеини эгаллайди. 2004 йилда ислоҳотлар жараёнида ана шу уч омил уйғунлиги таъминланса, бу йил ҳам мамлакатимиз кўзлаган мақсадларга эришиши шубҳасиз.

Мадамин САФАРОВ,
шарҳловчи

9 феврал — Ҳазрат Алишер Навоий таваллуд топган кун

Халқимиз маънавиятини Алишер Навоий ижодисиз тасаввур этиш мумкин эмас. Зеро, буюк бобомиз ижоди халқ даҳосининг юксак намунаси, маънавиятнинг битмас-туганмас манбаидир. Истиқлол йилларида ҳазрат шахси ва ижодий меросига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ улуғ мутафаккир ижоди ҳаётимизга, турмуш-тарзимизга тобора чуқур сингиб бормоқда десак, янглишмаймиз. Биноборин, ул зотнинг "карам билан мурувват, қайда бўлса ҳам, тангри паноҳида бўлгай" деган пурмаъно фикрлари бугунги кунда амалий исботини топмоқда.

ИШНИ СИРТДАН КЎРИШ ИНСТИТУТИ

У ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИКДА ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛГАН?

Huquqiy ma`rifat

Мамлакатимизда Фуқаролик Процессуал Кодекси қабул қилингач, суд амалиётида фуқаролик ишларини сиртдан кўриб ҳал этиш институти қўлланила бошланди.

Сиртдан иш кўришнинг асосий мақсади фуқаролик процессида тарафларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун жавобгарликни ошириш, низоли масалани ҳал этишни тезлаштириш, шунингдек, судьяларнинг ихтиёрида бўлган ишларнинг мазмун-моҳиятини йўқотмасдан, ўз вақтида кўриб ҳал этиш орқали манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

Ҳуқуқшунос олимларнинг таъкидлашича, сиртдан қарор чиқариш институтининг амалга оширилиши фуқаролик процессида даъвогарларнинг ҳуқуқларини қўшимча кафолатлар билан мустаҳкамлаш, тарафлар айниқса, жавобгар шахсларнинг ўз ҳаракат ёки ҳаракатсизликлари учун жавобгарлик меъёрларини ошириш, низоларга рухсат берилишини тезлаштириш, шунингдек, суд иш юритувида бўлган фуқаролик ишларини бирмунча қисқартириш ва уларни суд иш юритувида тўпланиб қолишининг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, суд мажлисига жавобгар тарафнинг келмаслиги ишни кўриб чиқиш жараёнини кечиктиради ва даъвогарларнинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини қайта тикланишига тўсқинлик қилади. Бу даъвогарнинг манфаатларига қайсидир маънода қарши чиқиш ва маълум бир мажбуриятларнинг бажарилишидан ҳимояланишнинг қонунда назарда тутилмаган шакли сифатида ҳам эътироф этилади. Ўз навбатида, жавобгарнинг суд процессига узрли сабабларсиз келмаслиги ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари бузилган тарафнинг суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқини амалга ошириш жараёнини кечиктиради.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш деганда суд мажлисининг вақти ва жойи тўғрисида маълумотга эга бўлган жавобгарнинг процессга узрсиз сабабларга кўра келмаслиги ва унинг иштирокисиз, даъвогарнинг розилиги билан ишни кўриб чиқиш тушунилади.

Фуқаролик ишини сиртдан кўриб чиқиш жараёнида қонунда назарда тутилган тартиб ва шартлар мавжуд бўлиб, ўз навбатида уларга риоя қилиниши иш юзасидан чиқарилажак ҳал қилув қарорининг қонуний, асосли ва адолатли бўлишининг кафолати ҳисобланади.

Фуқаролик ишларини сиртдан кўриш учун муҳим шартларда бири суд мажлиси ҳақида тегишлича хабардор қилинган жавобгарнинг суд мажлисига келмаслигидир. Агар жавобгар суд мажлиси тўғрисида тегишлича хабардор қилинмаган бўлиб, унинг суд мажлисига келмаслиги ишни сиртдан кўришга сабаб бўлмайди. Шунингдек, агар жавобгар ўз номига юборилган суднинг чақирув қоғозини қабул қилишдан бош тортган ва иш унинг иштирокисиз кўрилган тақдирда суд ҳал қилув қарори сиртдан чиқарилиши мумкин эмас.

(Давоми учинчи бетда)

Ajab savdolar

НОЎРИН ПАЙСАЛЛАШ

Боёвут туманида фаолият кўрсатаётган "Анор" хусусий савдо фирмасининг савдо дўконида туман ДСИ ходимлари Р.Уришев ва А.Абдушукуровлар 2003 йил 12 март куни қисқа муддатли текшириш ўтказишади. Текширишда дўкон сотувчиси Н.Қаюмовнинг 18.600 сўмлик 5 хил озиқ-овқат маҳсулотларини бозордан олиб келиб, дўкон ҳисобига кирим қилмасдан сотаётгани аниқланиб, унга маъмурий жарима жазоси қўлланилади. Ушбу текширишни ўтказишга туман инкассация бўлимининг дўконда 4, 6, 11 март кунлари нақд пул топширилмагани тўғрисида туман давлат солиқ инспекциясига ёзган маълумотномаси сабаб бўлган эди.

Орадан бир ой ўтиб, яна шу фирмага қарашли савдо дўкони билан "Тадбиркорбанк"нинг Боёвут туман бўлими ходимлари ҳам қизиқиб қолишади. Улар 13-15 апрел кунлари дўконда нақд пул тушуми бўйича мониторинг кузатуви ўтказишади. Орадан 4 кун ўтгач, яъни 19 апрелда банк ходимлари яна нақд пул тушуми бўйича мониторинг кузатуви ўтказиш учун келишади.

Бироқ савдо учун берилган рухсатнома муддати тугагани сабабли дўкон ёпиб қўйилганига гувоҳ бўлишади. Буни туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятчиликка қарши курашиш бўлими ходими Ш.Худойбердиев ҳам тўлиқ тасдиқлаб, бу ҳақда маълумотнома тузади ҳамда туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғига маълум қилади. Бўлим бошлиғи ушбу маълумотномага "дўкон фаолият кўрсатаётган соатни аниқлаб, текшириш ўтказинг" деган кўрсатмани ёзиб қўяди. Ниҳоят, туман СВОЖҚК бўлими ходими Ш.Худойбердиев бўлим бошлиғининг 2003 йил 18 апрелдаги 4 х/с-сонли қисқа муддатли текшириш ўтказиш учун хизмат сафарига юбориш ҳақидаги буйруғига асосан яна 2003 йил 21 апрелда текшириш ўтказиш учун сотувчи Н.Қаюмовни дўконни очган пайтида "қўлга туширади".

Харидор М.Махсудов иккита 500 сўмлик бериб, битта "Комсор" спиртли ичимлигини олиб, дўкондан чиқаётганида СВОЖҚК бўлими ходими Ш.Худойбердиев ва холис И.Жалиловлар келиб қолишади. Улар сотувчи Н.Қаюмов томонидан харид учун назорат чеки берилмаганини аниқлаб, дарҳол назорат харидги ўтказилишини эълон қилишади. Шунда назорат касса машинаси текширилганда унда харидор М.Махсудов томонидан берилган иккита 500 сўмлик пуллар топилмайди. Бундан ташқари, Н.Қаюмов текширувчиларга зарур ҳужжатларни кўрсатмайди.

Шу боис Ш.Худойбердиев томонидан холис иштирокида дўконни муҳрлаб қўйиш тўғрисида баённома тузилади.

Дўкондаги ҳужжатлар эртаси куни тақдим этилгач, дўконни очишга рухсат берилгани тўғрисида яна баённома ёзилади. Ароқ харид қилишганда касса чеки берилмагани тўғрисида далолатнома тузилади. Холис ва харидордан тушунтириш хати олинади. Бироқ далолатномада дўкон сотувчиси деб кўрсатилган Н.Қаюмов на далолатномага, на маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомага имзо қўймайди. Ҳатто тушунтириш хати ёзишдан ҳам бош тортади.

Орадан икки кун ўтгач, СВОЖҚК бўлими бошлиғи дўкон сотувчиси Н.Қаюмовга 22.675 сўмлик жарима солиш ҳақида қарор чиқарди.

СВОЖҚК бўлимининг 2003 йил 22 апрелдаги 54-сонли хатига асосан туман давлат солиқ инспекцияси бошлиғи И.Чоршанбаев томонидан 21 апрелда "Анор" хусусий савдо фирмасига қарашли дўконда ўтказилган текшириш далолатномаси тасдиқланиб, савдода НКМдан фойдаланиш қоидалари бузилган деб, рўйхатдан ўтганига 3 ой бўлган фирмага нисбатан энг кам иш ҳақининг 100 баробари, яъни 453.500 сўм миқдорида молиявий жарима қўллаш ҳақида қарор қабул қилинади.

Энди гапнинг буёғини эшитинг. "Анор" хусусий савдо фирмаси 2003 йил 22 январда 24-сон билан туман ҳокимлигидан рўйхатдан ўтган ва чакана савдо билан шуғулланган. Фирма Н.Қаюмовдан савдо дўконни ижарага олган бўлиб, у ҳеч қачон дўконда сотувчилик қилмаган.

(Давоми иккинчи бетда)

Ijro va mas`uliyat

ШАРТНОМА: МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

Нон бебаҳо неъматдир. У ризқ-насиба, дастурхонимизнинг кўрки, ҳаёт манбаидир. Ота-боболаримиз нонинг увоғини кўрса, ердан олиб, пешонасига суриб келишган.

Табиийки, нонга муносабат донга муносабатдан бошланади. Зеро, ҳар қандай нонинг яратилиш замирида доннинг ўрни бўлакча экани ҳеч кимга сир эмас. Мамлакатимизда ғалла мустақиллигига эришиш ғоясининг ўртага ташланиши боиси ҳам мана шунда.

Энг муҳими, дон етиштирилида ҳам кўриш мумкин. Қуйида ана шу ҳақда фикр юритамиз.

Гапни Қорақалпоғистоннинг Қонликўл туманидан бошлайлик. Туманда дон маҳсулотлари ҳисоб-китоблари билан боғлиқ барча масалалар "Қонликўлгуруч" акциядорлик жамияти зиммасига юкланган. Жамиятда ўтган 2003 йилда 7368,3 тонна буғдой етиштириш бўйича 311.382.700 сўмлик 192 та ва 6521 тонна шоли етиштириш бўйича 1.000.600 сўмлик 167 та шартнома тузилган. Бироқ бу контрактация шартномаларининг бажарилиш аҳволи ўрганилганида, жамият томонидан "Гулноз" фермер хўжалигига топширилган буғдой маҳсулотлари учун 150.450 сўм, "Ақтелпек" фермер хўжалигига 39.580 сўм, "Мимутов" фермер хўжалигига 12.510 сўм, "Сантниёзбий" фермер хўжалигига 67.710 сўм пул тўланмасдан келингани маълум бўлди.

Шоли етиштириш бўйича тузилган контрактация шартномаларининг 2.3-бўлими "А" бандида "жамиятнинг хўжалик томонидан етиштирилган шолини қабул қилиши ва етти кун ичида унинг қийматини тўлаб бериши" ётган одамларнинг манфаатдорлиги ошди, яъни режадан ортиқча тайёрланган дон уларнинг ўзида қолмоқда. Бу муҳим омил одамларнинг меҳнатидан рози бўлишига, турмуш фаровонлигининг ошишига сабаб бўлди.

Шу билан бирга баъзи жойларда айрим раҳбар ходимларнинг масъулиятни унутиб қўйиши оқибатида бу борада муаммолар юзага келмоқда. Буни хусусан, шартнома шартларига амал қилмаслик мисоқўрсатилган. Бироқ жамият ширкат ва фермер хўжаликлари томонидан топширилган шоли маҳсулоти учун 37.707.600 сўм тўлаган ҳолда қолган 177.885.970 сўмлик тўлов ҳақида бош қотирмаган.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun va nazorat

ТЕКШИРИШ КЕЛТИРГАН ТАШВИШ

Бировлар дилини ноўрин ранжитиш, тирноқ остидан кир излаб иши ёки турмушига монелик қилиш қандай оқибатларга етаклашини тасаввур қила оласизми? Афсуски, бундай хатти-ҳаракатлардан бирор тайинли натижа чиқмайди. Ўринсиз, мақсад ва мантиқсиз, шубҳа-гумонларга асосланган назоратдан ижобий натижа чиқмаслиги кундай равшан.

Мамлакатимизда қонунлар, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларда ноқонуний текширишларни жиловлаш масаласи кўндаланг қўйилгани, бунга Президентимиз, ҳуқуқ ва қонун назорати идоралари доимо эътибор билан қарашаётгани бежиз эмас.

Таъкидлаш жоизки, буйруқбозлик, таъмагирлик каби иллатлар ҳуқуқий давлатчилик, бозор муносабатлари ва демократия тамойилларига мутлақо зиддир. Аммо тарки одат — амри маҳол. Отдан тушсаям, эгардан тушмасликка уринаётган баъзи бир тоифа "назоратчи"лар ана шу ножоиз усулидан ҳамон "оқилона" фойдаланишаяпти.

Кўриб-кузатишлар асосида «ўзини хон, кўланкасини султон» сановчи бу тоифа "текширувчилар" Хоразм вилоятида ҳам йўқ эмаслиги маълум бўлди. Шовотлик М.Аҳмедов ана ўшаларнинг бири. Ветеринария врачи сифатида тумандаги А.Хидиров номидаги ширкат хўжалиги фермахонасига амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси у кишининг зиммасига юклатилган. Аммо жаноб М.Аҳмедовнинг табиатида молларни тетик — соғлом асраш, касалликларга шифо бағишлаш ҳисси эмас, балки ферма ходимларининг хатти-ҳаракатини кузатиш, тергаш-текшириш ҳисси кучлироқ. Шу боис у ферма қоровули А.Рўзиматовни деярли беистиҳола жаримага тортди. Қоровулни жазолаш юзасидан ҳужжат расмийлаштиришни эса хаунутиб, текшир-текширларга боши билан шўнғиган участка врачи Р.Шарипов Комилжон Отаниёзов номидаги ширкат хўжалиги фермахонаси ходими Э.Қурбоновни, врач Т.Қаландаров "Бўстон" ширкат хўжалиги чорвадори О.Сафарбоевни, яна бир шифокор Г.Шожиқов Махтумқули номидаги ширкат хўжалиги ферма ходими Э.Шиховни ноқонуний равишда жазога рўпара этишди. Ана шу тариқа тумандаги "Соҳибкор" ширкат хўжалиги, Р.Матназаров номидаги фермер хўжалиги ишчилари Б.Бекчонов, Ш.Иброҳимова ҳам ветеринария хизмати врачлари Ф.Абдуҳалимов, Қ.Қаландаров тоёлига ҳам келтирмади. Аслида у бу ишни ўз билганича қилгани йўқ. Бошқаларга тақлид қилди. Ўз навбатида бунинг ҳам сабаби бор. Туман ветеринария шифохонасида М.Аҳмедовга ўхшаганларнинг хурмача қилиғига ҳамиша панжа орасидан қарашади. "Ёшулли"ларнинг эса парвойи-палак. Оқибатда шифокорлигини оддий чорвадорлар асабини зир қақшатган ноўрин ва ноқонуний текширишлар тумандаги "Дўстлик", "Шовот", "Меҳнатобод" ширкат хўжаликлари, "Гулистон" деҳқон-фермер уюшмаси фермахоналарида ҳам ўтказилган.

Афтидан, уларга бу ҳам оз кўринган ва эътиборни тумандаги тадбиркорлик шахобчалари анча-мунча "ёғли" ҳисобланган ташкилотларга қаратишган. Шу аснода 2002 йили 15 та, 2003 йилнинг биргина 7,5 ойи мобайнида эса 23 марта ноқонуний ва ноўрин текширишлар ўтказилган.

(Давоми тўртинчи бетда)

Qonun va nazorat

ТЕКШИРИШ КЕЛТИРГАН ТАШВИШ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Маъмурий тартибдаги бу сингари текширишларнинг интиҳоси нимага етаклашини биласизми?

Албатта, жаримага-да...

Ҳа, юқоридаги текширишлар хоҳ ўринли, хоҳ ўринсиз бўлсин, башарти у расмийлаштирилгудек бўлса, оқибат жазонинг бошқа чоралари сингари жаримага ҳам сабаб бўлади.

Бундай қаралса, жарима ҳам тарбиянинг бир йўли. Шундай экан, уни қўллаш ҳам ғоятда жиддий ва эътиборталаб масала. Аммо айрим назорат маҳкамалари учун бу тадбирнинг унчалик аҳамияти йўқ. Қўшкўпир туман давлат санитария-эпидемиология назорат марказида қайд этилган ҳолат бунга яққол мисол. Маълум бўлишича, туман кино-видео акциядорлик жамияти раиси О.Ражабов галдаги текширувда ана шу маҳкама «нишони»га айланибди ва 10.350 минг сўм миқдоридаги жаримага тортилган. **"Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"**ги Кодекснинг 330-моддасида бу каби жарималарни ундириш учун уч ой муддат белгиланган. Марказдагиларнинг "ҳиммати-ю, уддабуролиги"га қойил қолмасликнинг иложи йўқ. Негаки, улар жаримани орадан ҳатто 11 ой ўтиб кетса-да, барибир ундиришга муваффақ бўлишибди. Бу билан уч ойлик муҳлатдан сўнг жаримага доир қарор ўз кучини йўқотиши даркорлигини эса хотирдан фаромуш этишибди.

Бундан келиб чиқадиган хулоса битта: текшириш хўжакўрсинга ёки назоратчининг кимлигини англатиш учунгина ўтказилган. Хўш, бу каби бемаврид, бемақсад, бенатижа текширишлар кимга наф келтиради? Айнан шу сингари текширишларни жиловлаш фурсати етмадимикин?

Урганч шаҳридаги тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатаси 2003 йили ўз аъзолари (242 та хўжалик субъекти)дан бадалларни ойма-ой санаб олишга хоҳлаганча вақт сарфлаган. Аммо гал уларни ҳуқуқий ҳимоялашга етганда бирон фурсат ҳам вақт тополмаган.

Судларга тадбиркорларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш учун ақалли бир марта ҳам мурожаат қилинмабди. Палата ҳатто тадбиркорлик субъектларида ўтказилган текширишларда ҳам иштирок этмабди. Бугина эмас, палата қошидаги ахборот-маслаҳат Маркази ҳам фаолият юритмаган. Марказ ўз эшикларини тадбиркорлар учун тақа-тақ ёпиб қўйганига яқинда икки йил тўлди. Урганч, Шовот, Қўшкўпир, Ҳазорасп туманларидаги тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палаталари ҳам бундан мустасно эмас. Аъзолик бадаллари мунтазам тўланаётгани назарда тутилса, аслида палата тадбиркорлар учун эмас, тадбиркорлар палата учун ишлаётганлигини осонгина илғаб оласиз.

Далиллар режа ва мантиққа асосланмаган текширишлар сони айрим туманларда камайиш ўрнига ортаётганини кўрсатмоқда. Чунончи, ўтган йилнинг дастлабки саккиз ойи мобайнида Ҳазорасп туман давлат статистика идораси назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши Низомининг 7-банди талабларига хилоф равишда 7 та, вилоятдаги ижтимоий ҳимоя, меҳнат ва аҳолини иш билан таъминлаш идоралари эса 112 та режасиз текшириш ўтказган.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин ва дахлсиз фаолиятини таъминлаш учун текширишлар миқдорини камайтириш ва тартибга солиш вазифаси Президентимиз Фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ҳужжатларида равшан акс этганини назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи вилоят ҳудудий комиссиясидагилар билишмайди, дейиш гўллик бўлур эди. Ҳа, улар билишади. Аммо лоқайдлик ва эътиборсизлик аталмиш қусурлардан устун келиш қийнинг ўхшайди. Бундай дейишимизнинг сабаби бор. Мисолни Янгиариқ туманидан бошлаймиз. Сўнгги бир йил мобайнида туманда тадбиркорлик субъектлари 18,1 фоизга кўпайган, аммо туман солиқ идораси томонидан ўтказилган текширишлар ҳажми камайиш ўрнига 51,1 фоизга ортган. Туман меҳнат бўлими эса текширишлар режасини 103,7 фоизга уддалабди. Қойил, «иш» дегани бунақа бўлибдида...

Аҳвол Урганч шаҳрида бир мунча дуруст дерсиз? Қанийди, шундай бўла қолса. Шаҳар "ёшулли"лари ўтган йили хусусий мулкчиликка асосланган ўрта ва кичик бизнес шаҳобчалари салмоғини 15,2 фоиз камайтиришга эришдилар. (Бунисига ҳам қойил қолмасликнинг иложи йўқ). "Текширувчилар" ҳам ишни қойиллатишди. Хўжалик субъектлари сони камайганига ҳатто парво ҳам қилишмади ва текширишлар сонини нақ 149,3 фоиз кўпайтиришга "муваффақ" бўлишди.

Ноўрин ва ножоиз текширишларни қойиллатувчилар қаторига Урганч тумани назоратчилари, аниқроғи, туман ёнғин хавфсизлиги идорасининг ҳам "муносиб" ўрни бор. Улар текширишлар ҳажмини бир йилда 112,5 фоизга кўпайтиришди. Туманда хўжалик юритувчи субъектлар сони йил мобайнида 2,2 фоиз камайганига эса қўл силтаб қўя қолишибди. «Ортдан қолмаслик» қабилида иш тутган Урганч шаҳар статистика бўлими, Хонқа туман санитария-эпидемиология назорати маркази, Қўшкўпир туман солиқ инспекцияси, Ҳазорасп туман меҳнат бўлими, Хива туман меҳнат ёнғин назорати, санитария-эпидемиология идоралари ҳам текширишлар сонини оширишга алоҳида «эътибор» қаратишибди.

Хулоса шуки, текшириш алоҳида шахс ёки идоранинг манфаати учун амалга оширилмаслиги даркор. У авваламбор умумманфаатларини ифода этиши, қонун, низом сингари ҳужжатлар ва мантиққа асосланиши зарур. Бундан ўзга йўл йўқ. Назорат ходимининг арзимаган хатоси ҳам катта ижтимоий-иқтисодий йўқотишга сабаб бўлиши мумкин. Афсуски, баъзи назоратчилар назарида, ўзларидан кўра ақллироқ кишининг ўзи йўқ. Бу тоифа кишиларга қонун, бурч, виждон, адолат, ҳақиқат, мантиқ сингари унсурларни эслатиш, панду-насиҳат қилиш бефойда. Бироқ қонуний таъсир кўрсатиш имкони мавжуд. Юқорида саналган камчилик ва нуқсонларнинг аксарияти Адлия вазирлигининг аралашуви билан ижобий ечим топди. Вазирлик томонидан вилоят ҳокими номига юборилган расмий тақдимнома қатор чора-тадбирлар ва амалий ишларга асос бўлди. Мутасаддилар кўрсатилган қонунсизлик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларини бартараф этишга астойдил бел боғлашди. Ахир, хато-қусурлар ҳеч бўлмагандан кўра, кеч бўлса-да, барҳам топгани маъқул эмасми?!.

Абдулла СОБИРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Qonun ko`magi

Яқинда таҳририятимизга "Сурхондарётранс" уюшмасига қарашли Музработ тумани автомобилларда юк ва йўловчи ташиш уюшмаси ходими Ф. Эгамовдан туман ҳокимияти томонидан уюшмага қонуний ер ажратилиши пайсалга солинаётгани ҳақида шошилинч хабарнома келган эди.

УЮШМАГА ЕР АЖРАТИЛДИ

Биз бу хабарнома ўрганиб чиқиш учун Сурхондарё вилояти адлия бошқармасига юбордик. Маълум бўлишича, Вазирлар Маҳкамасининг "Автомобиль транспорт соҳасидаги бошқарувнинг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2001 йил 5 июндаги 245-сонли қарори ҳамда Сурхондарё вилояти ҳокимининг "Вилоятда автомобиль транспортини ривожлантиришнинг 2001-2005 йилларда мўлжалланган консепцияси тўғрисида"ги 2001 йил 21 сентябрдаги 202-сонли қарорига асосан Музработ тумани шахсий автомобилларда юк ва йўловчи ташиш уюшмаси туманда юк ва йўловчи ташиш учун қулайлик яратиш мақсадида автомобилларга техник хизмат кўрсатиш иншоотлари қурилиши учун ер майдонлари ажратишни сўраб туман ҳокимлигига 2003 йил 5 октябрда 6-сонли хат ёзади. Ушбу мурожаат юзасидан 15 октябрда туман ер танлаш ва ажратиш бўйича комиссиясининг далолатномаси тузилади. Бироқ ҳокимлик мутасаддилари шундан кейин ҳам ер ажратиш масаласини пайсалга сола бошлайди. Шу боис Ф. Эгамов мутасадди идоралар ва таҳририятга мурожаат қилишга мажбур бўлади.

Шу йилнинг 2 феврал куни таҳририятга Сурхондарё вилояти адлия бошқармасидан қуйидаги мазмунда жавоб хати келди: *«Музработ туманидаги Халқабод қўрғонида яшовчи Ф. Эгамовнинг Бирлашган таҳририятга йўллаган хабарномаси аризачи иштирокида туман ҳокимлигида ўрганиб чиқилди.*

Шахсий автомобилларда юк ва йўловчи ташиш уюшмасига қарашли бўлган автомобилларга техник хизмат кўрсатиш иншоотлари қуриш учун туман ҳрокимлиги томонидан фуқаро Ф. Эгамовга 2004 йил 10 январ куни 0,10 га ер майдони ажратиш ҳақида 9-сонли қарор қабул қилиниб, 0,10 га ер майдони ажратиб берилди".

Хуллас, шу тариқа муаммо ўз ечимини топди. Лекин шу ўринда ҳақли мулоҳаза туғилади: хўш, ана шу муаммо ўз вақтида ҳал этилиши мумкин эди-ку?! Наҳотки, туман миқёсида бажарилиши зарур бўлган оддий юмушга мутасадди идораларнинг аралашиши шарт бўлса? Бу қонунни менсимасликми ёки лоқайдлик?

Бизнингча, масаланинг ана шу жиҳатлари муҳим. Ундан қандай хулоса чиқариш эса ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Бобомурод РАЙИМОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Qonun dastagi

УНДИРИЛГАН ҚАРЗ

Яқинда Самарқанд вилоят адлия бошқармаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги "Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялари ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан Оқдарё туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги бошқаруви раиси У.Мўминов номига огоҳнома киритди. Бундан ташқари адлия бошқармаси ширкат хўжалигини судга берди.

Халқимиз орасида "Баъзи кунларни гадоси бўлсанг, баъзи кунларни қувиб урсанг" деган ҳазилнома нақл юради. Албатта, ишинг тўсиқсиз ривож топиб кетаверса, нур устига нур. Бунинг устига юқорида тилга олинган нақл умуман ёдга тушмайди. Борди-ю, ўз ҳақингни ололмасанг, лафзсизлик қилиб сенга панд беришса, қонунан битиши лозим бўлган ишнинг ўзгаларнинг масъулиятсизлиги оқибатида аччиқ ичакдек чўзилиб, туя гўштини еса... Йўқ, бундан худонинг ўзи асрасин. Аросатда қолган кун ёмон.

Гап шундаки, Жиззах туманидаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги худудида фаолият кўрсатаётган "Галақудуқ" фермер хўжалиги, "Жиззах ун заводи" масъулияти чекланган жамияти ва "Ғаллабанк"нинг Жиззах бўлими ўртасида 2001 йилнинг 24 октябрида 2002 йил ғалла ҳосили учун уч томонлама "Давлат эҳтиёжи учун дон харид қилиш бўйича" 21-сонли контрактация шартномаси тузилган. Шартномага асосан фермер хўжалиги давлатга 43 тонна дон топшириши, "Жиззах ун заводи" масъулияти чекланган жамият уни қабул қилиб олиши, "Ғаллабанк"нинг Жиззах бўлими эса маблағ билан таъминлаши керак эди.

Маълумки, ҳар бир шартномада томонларнинг мажбуриятлари кўрсатилади. Жумладан, ушбу уч томонлама шартноманинг 4.3 бандида ҳам фермерга ўрим-йиғимга киришгунга қадар бўнак тўловлари тўлаб берилиши кўрсатилган. Лекин шартномани имзо ва муҳр билан тасдиқлаган масъуллар "Баллани етиштирган одам ҳосилни бизга топширади-да, қаерга ҳам борар эди" деган фикрга борганга ўхшайди. Негаки, улар бўнак пулини тўлаш ҳақида оғиз очишмайди. Фермер хўжалиги раҳбари Умарқул Жўрақулов эса ғаллани топширгач, бир йўла ҳисоб-китоб қиламиз, деган ўйда индамай қўя қолади.

Ғаллага ўроқ тушади. "Галақудуқ"нинг ҳосил чўғи баланд эди. Фермер давлатга шартномада кўзда тутилганидан 43 тонна ўрнига 56,9 тонна дон маҳсулоти топширади. Корхонага етказиб берилган дон учун фермерга 1 миллион 246 минг 324 сўм тўланиши керак. Агар ана шу дон маҳсулоти пули вақтида фермернинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилгандами, бировбировдан гина қилмас, иш суд-лашишгача етиб бормасди.

Бундан ташқари, бўнак пулини берилмагани етмагандек, фермернинг маҳсулот пулини ҳам тўлашга қолганда шартномага имзо чекканлар зиммасидаги мажбуриятни умуман ёдларидан чиқариб қўйишди. Пулини сўраб қатнайверишдан тоқати тоқ бўлган Умарқул Жўрақулов охири Жиззах вилояти адлия бошқармасига ариза берди.

Вилоят адлия бошқармаси аҳволни ўрганиб чиқди ва вилоят хўжалик судига даъво киритди. Хўжалик суди судьяси А. Маматмусаев раислигида ўтган суд мажлисида жавобгар вакил, ҳуқуқшунос Ғ.Убайдуллаев томонлар ўртасида тузилган оралиқ далолатномаларни 2002 йилнинг 9 августда топширганлигини, банкдан пул маблағи келиб тушмагани сабабли ҳозирга қадар қарзни тўлай олмаганини баён қилди. Даъво талабида кўрсатилган қарзларни қўшимча жавобгар "Ғаллабанк"нинг Жиззах бўлимидан ундиришни сўради.

Шундай қилиб, суд фермер хўжалиги фойдасига "Жиззах ун заводи" масъулияти чекланган жамият ҳисобидан 1 миллион 246 минг 324 сўм, "Ғаллабанк"нинг Жиззах бўлими ҳисобидан 311 минг 581 сўм устама ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди. Давлат божи харажатлари жавобгарларга мутаносиб равишда юклатилди.

Таҳлил қилиб қараганда, иш бир-бирига халқадек боғланиб кетган. Банкдан бежизга устама ундирилмаяпти. Сабаби топширилган маҳсулот қиймати тўловининг тўрт юз қирқ кунга кечикишига банк айбдор. Уч томонлама шартнома шартининг банк томонидан вақтида бажарилмаслиги фермер хўжалиги раҳбарининг сарсон-саргардон бўлишига олиб келган. Ун заводи масъуллари эса лафзсизликдан ер чизиб қолишган. Қўшимча жавобгар банкнинг устама ва давлат божидан ҳисса тўлаши муассасага иқтисодий зарар келтираяпти.

Хуллас, шартнома шартининг бажарилмаслиги, аросатда қолган кун уч томонга ҳам юқоридагидек зарар етказди.

Мирзабек ЁҚУБОВ,
Жиззах вилоят адлия бошқармаси ходими

Dakki

ҚОНУН БИР, МЕЗОН ЯГОНА

Хўш, бунга нима сабаб бўлди, дерсиз?

Албатта, бунинг бир талай сабаблари бор. Энг асосийси, бу камчилик ва нуқсонларнинг барчаси мутасаддиларнинг масъулиятсизлиги билан изоҳланади.

Зеро, улар Президентимизнинг **"Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида"**ги ҳамда **"Тўлов интизомини ва ўзаро ҳисоб-китоблар тизимини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонлари талабларини бажариш ўрнига қўпол равишда бузишган.

...Лоиш қўрғонида масъулияти чекланган жамият шаклидаги "Оқдарё қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш" Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Мазкур қўшма корхона тумандаги Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалигига 2000 йилнинг 28 январида 4-сонли юк хати билан умумий таннархи 1 миллион 477 минг 792 сўм бўлган "МТЗ-50" русумли трактор ва тиркама, 2001 йилнинг 27 февралида 63 минг сўмлик, 2003 йилнинг 10 мартида 250 минг сўмлик помидор уруғлари ҳамда 48 минг сўмлик пленка етказиб берган. Ана шу етказиб берган маҳсулотлар нархи жами 1 миллион 838 минг 792 сўмни ташкил этади. Ширкат хўжалиги қабул қилиб олган маҳсулотлар учун қўшма корхонага атиги 365 минг 192 сўм тўлаган, холос.

Орадан шунча вақт ўтган бўлсада, ширкат хўжалиги мутасаддилари қўшма корхонанинг 1 миллион 473 минг 600 сўм маблағини тўламаган. Ўтган йилнинг 12 ноябрида ушбу қарз бўйича ўзаро солиштирма далолатнома тузилган.

Вилоят хўжалик суди адлия бошқармасининг даъвосини қаноатлантирди. Қўшма корхона фойдасига ширкат хўжалигидан 1 миллион 473 минг 600 сўм ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Қўшма корхоналар мамлакатимиз иқтисодий қувватини оширишга, иш ўринлари кенгайишига, мавжуд хўжалик, корхона, ташкилотлар фаолияти барқарорлигига хизмат қилади. Республикамизнинг жаҳонда обрў-эътибор топиши, нуфузи ошишида қўшма корхоналарнинг ўз ўрни ва салмоғи бор. Шу боисдан хорижий инвестициялар қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Бу — қонун бир, ўғайлаш йўқ дегани.

Комил БАҲРИДДИНОВ,
ҳуқуқшунос

ФОЙДАЛИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАР

Xabar

Юксак ҳуқуқий онг, салоҳият, билим ва маданият истиқлол йилларида қишлоқ хўжалиги етакчилари учун муҳим ҳаётий заруратга айланди. Шу боис мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси раҳбарлари ўқуви йўлга қўйилди. Ҳуқуқий муносабатлар ва унинг ечими масалалари мазкур ўқув машғулотларининг ўзагини ташкил этди.

Бундай ўқув машғулотлари куни кеча Хоразм вилоятида ҳам ниҳоясига етди. Унда вилоятдаги барча ширкат ва йирик фермер хўжаликлари, деҳқончилик саноати мажмуига дахлдор идоралар, ташкилотлар, корхоналар раҳбарлари иштирок этишди.

Ўқув машғулотларида иштирокчилар бозор муносабатлари ва демократияни чуқурлаштиришга хизмат қилувчи қонунлар, ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини атрофлича таҳлил этишди.

Шунингдек, ўқув машғулотлари иштирокчилари мавжуд ибратли тажриба ва ютуқларни кенг ёйиш, мустаҳкамлаш, муаммоларни бартараф этиш, қўламдор вазифаларни уддалашга қаратилган фойдали амалий ҳамда назарий таклифларни ўртага ташлашди.

Ўз мухбиримиз

Ajab savdolar

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Иккинчидан, 21 апрел куни дўкон ёпиқ бўлган. Бироқ М.Махсудов туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлимига ёзган тушунтириш хатида ўзининг вақтинча ҳеч қаерда ишламаслиги, шу куни дўкондан спиртли ичимлик харид қилиб чиқаётганида кимдир келиб, "Нима сотиб олдинг, сотувчи чек бердими?", деб сўрагани, у чек олмаганини айтгани, шундан сўнг инспектор дўконга кириб, биргалиқда назорат харид ўтказишганини баён этган. Буни холис И.Жалилов ҳам тасдиқлаган.

Қизиғи шундаки, Ширин шаҳар ИИБ қўриқлаш бўлими томонидан берилган маълумотномада М.Махсудов 2003 йил феврал ойидан буён шу ерда ишлаши маълум қилинган. Энди Маъмур Махсудовнинг вилоят адлия бошқармасига берган тушунтириш хатига эътибор беринг.

«Боёвут туман прокуратураси биносида коровул эдим. 21 апрел куни кечқурун тахминан соат 20.00 ларда прокуратура ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ходими Ш.Худойбердиев мени хонасига чақирди ва тўлдирилган тўртта қоғозга имзо қўйиб беришимни илтимос қилди. Мен ундан нима учун имзо қўйишимни ва нима ёзилганини сўрамай, унинг кўрсатган жойига имзоимни қўйиб бердим. Ш.Худойбердиев билан 21-22 апрел кунлари ҳеч қаерга текширишга бормаганман..."

Далолатномада «дўкон сотувчиси» дейилган Нодир Қаюмовнинг ту-

НОЎРИН ПАЙСАЛЛАШ

шунтириш хатини ўқисангиз, янада ажабланарли ҳолга дуч келасиз. Унинг ёзишича, СВОЖҚК бўлими ходимлари уни уйидан чақириб чиқишган ва "дўконга борамиз" дейишган. Дўконни очишгач, тегишли ҳужжатларни сўрашган ва далолатнома тузишмоқчи бўлишган. Бироқ Н.Қаюмов "Дўкон меники эмас, дўконнинг эгасини чақиринглар", деб далолатномага имзо қўймаган. Қолаверса, текшириш куни дўконда ҳеч нарса сотилмаган.

Устига-устак, "Анор" фирмаси раҳбари Ислом Усмонов ушбу текширишлар ва уларнинг натижаси бўйича муҳокамаларда иштирок этмаган. Умуман, 2003 йил 20 феврал, 19 март ҳамда 22 апрелда ҳам жавобгарлар иштирокисиз муҳокама ўтказилиб, маъмурий ва молиявий жазо чоралари қўллаш тўғрисида қарорлар чиқарилган.

Шу ўринда табиий бир савол туғилади: хўш, асосий гувоҳ — «харидор» воқеадан бехабар бўлса, "сотувчи" дейилган Н.Қаюмовнинг "Анор" хусусий фирмасига ҳуқуқий алоқаси бўлмаса, унда фирма нима учун моддий жавобгарликка тортилган? Бу саволга жавобни аввало назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгаш туман ҳудудий комиссиясининг фаолиятидан излаш лозим.

Чунки мазкур комиссия раиси ўринбосари У.Чоршанбаев томонидан 2003 йил январ ойида ташкил қилинган, фаолият кўрсатаётганига 3 ой бўлмаган "Анор" хусусий фирмасида режадан ташқари назорат тартибида текшириш ўтказишга 12 март куни ҳам, 18 апрел куни ҳам рухсат этилган. Аввалги "келишув", кейинги "рўйхат"да ҳам ёзилишича, Вазирлар Маҳкамасининг 280-сонли қарори бажарилиши юзасидан текшириш ўтказилган. Биринчи текширувни туман давлат солиқ инспекцияси, иккинчи текширувни туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ўтказган. Туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлимида Н.Қаюмовга очилган маъмурий ишнинг бошланиш муддати 18 апрел деб қайд этилган. Хўш, 18 апрел куни аслида нима рўй берган эди.

Шу куни У.Чоршанбаев қисқа муддатли текширишлар режасини тасдиқлаган, СВОЖҚК бўлими бошлиғи Х.Эгамбердиевнинг 4-х/с-сонли буйруғига биноан бўлим инспектори Ш.Худойбердиев "рўйхат" бўйича текширишга юборилган эди. Буни қарангки, шу куни "Анор" фирмасига қарашли дўкон очилмайди ва Ш.Худойбердиев сафардан "қуруқ" қайтиб, бу ҳақда бошлиғига "билдирув" ёзади.

Мазкур билдирувга бўлим бошлиғи топшириқ ёзиб қўяди. Шунга биноан, Ш.Худойбердиев дўкон очилишини пойлай бошлайди. Ниҳоят, 21 апрел куни "мақсадга етилди". Лекин Н.Қаюмовга нисбатан маъмурий ишнинг очилиш муддати 18 апрел бўлиб қолаверади.

Туман прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК бўлими ходимлари шунчалик шошиб қолишдики, фирманинг эгаси ва сотувчиси ким, деган саволларга жавоб излаб ўтиришмайди. Туман давлат солиқ инспекцияси ҳам асли дўконнинг бир ойлик савдо айланмаси миқдори 340 минг сўмдан ошмаса, унга 453.5000 сўмлик молиявий жарима солса бўладими, деган масалани ўйлаб ҳам кўришмайди. Аниқроқ айтганда, атайлаб сохтакорликка йўл қўйишади.

"Анор" хусусий фирмаси раҳбари И.Усмонов туман давлат солиқ инспекцияси, солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлимининг фирмага нисбатан қўллаган молиявий жарималаридан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат этгач, баён этилган сирлар очилиб қолди. Адлия бошқармаси **"Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"**ги Қонун ва МЖТК нинг талаблари бузилгани боис, фирма манфаатини кўзлаб вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди.

Суднинг 2003 йил 24 октябрдаги ҳал қилув қарори билан Боёвут туман давлат солиқ инспекциясининг "Анор" хусусий фирмани молиявий жаримага тортиш ҳақидаги қарори нотўғри деб топилди. Бундан ташқари, 4 сентябрда жиноят ишлари бўйича Янгиер шаҳар суди Боёвут туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими томонидан фуқаро Н.Қаюмовга нисбатан МЖТКнинг 164-моддаси 1-қисми билан маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ҳақида ҳал қилув қарори чиқарди. Бироқ Боёвут туман давлат солиқ инспекцияси томонидан суднинг ҳал қилув қароридан норози бўлиб, вилоят хўжалик суди апелляция инстанциясига шикоят ёзилди. Суд апелляция шикоятини қайтариш тўғрисида 2003 йил 1 декабрда ажрим чиқарди. Шундан сўнг Олий хўжалик судига кассация шикояти йўлланди.

Хуллас, масаланинг ечими шу тариқа пайсалга солиб келинмокда. Ўйлаймизки, энди мутасаддилар баён этилган муаммога алоҳида эътибор қаратишади ва у адолатли ҳал этилади.

Ғофуржон ХОЛМАТОВ,
Абдубакир БОЙСАРИЕВ,
ҳуқуқшунос
Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Ijro va mas`uliyat

ШАРТНОМА: МАСЪУЛИЯТ ВА ЖАВОБГАРЛИК

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Акциядорлик жамияти тумандаги мини "Ғаллабанк"ка оралиқ ҳисоб-китоб далолатномаларини топширгану, лекин тўланиши лозим бўлган маблағларни тегишли идоралардан талаб қилиб олмаган. Натижада "Еркеш" фермер хўжалиги шартномада белгиланган миқдорда шоли ҳосили топширган бўлишига қарамай, ўзига тегишли бўлган бўнак маблағидан ташқари 732.840 сўм пулдан қуруқ қолган. Бундай қонунбузилиш ҳолатлари яна 57 та шартнома юзасидан рўй берган.

Контрактация шартномаларининг 2.3-бўлими "В" бандида хўжаликлар ўзлари етиштириши лозим бўлган шолининг умумий қийматининг 50 фоизи миқдорида бўнак билан таъминланиши шартлиги кўзда тутилган бўлса-да, "Қонликўлгуруч" акциядорлик жамияти бу қоидага амал қилмаган. Яъни жамият томонидан хўжаликларга берилиши лозим бўлган 500.300.000 сўм бўнак пули ўрнига 424.991.000 сўм берилган, холос. Масалан, "Туржон" фермер хўжалигига шартноманинг мазкур бандига биноан, 472.750 сўм ўрнига 308.000 сўм бўнак пули ажратилган.

Жамиятнинг мансабдор шахслари қонун талабларига итоат этмаганликлари сабабли яна 136 та шартномада шундай ҳолат такрорланган.

Бундан ташқари, Элликқалъа туманидаги "Бўстондонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятида ҳам худди шундай ҳолатлар кўзга ташланади. Жамиятда 2003 йил буғдой ҳосили учун 394 та, шоли ҳосили учун 207 та шартнома имзоланган. Бу шартномалар бўйича қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан 356.106.000 сўмлик 4861 тонна буғдой ҳосили етиштириб берилган. Аммо айрим фермер хўжаликларига бўнак тўловлари шартномаларда назарда тутилганидан анча кам миқдорда тўланган. Масалан, "Нурот" фермер хўжалиги жами 1.036.100 сўмлик, яъни 14.9 тонна буғдой ҳосили тўплаган ва шунга кўра, унга 518.050 сўм бўнак пули ажратилиши режалаштирилган. Бироқ фермер хўжалиги ушбу пулнинг бор-йўғи 372.700 сўмини олган, холос.

Акциядорлик жамияти шоли етиштирувчи хўжаликлардан қиймати 195.290.200 сўмга тенг бўлган 1502 тонна 610 килограмм дон маҳсулотлари сотиб олган. Контрактация шартномаларига асосан, хўжаликларга фақат аванс тариқасида уруғлик тарқатилган. "Ўздонмаҳсулот" корпорацияси шоли бўнаклаш учун харажатлар ажратмагани туфайли акциядорлик жамияти бошқа аванс харажатлари тўловини амалга оширмаган, Шоли етиштирувчи хўжаликларга контрактация шартномаларига кўра, тўланиши лозим бўлган 95.500.000 сўмлик пул маблағлари текширув кунига қадар берилмаган.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларига кўра, Қорақалпоғистон Адлия вазирлиги томонидан судларга 129.805.446 сўмлик 145 та даъво аризалари киритилди. Қизиқ томони, бўлиб ўтган суд жараёнида "Бўстондонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти шоли етиштирувчи хўжаликлар билан ҳисоб-китобни тўла амалга ошириди. Буниси яхши, албатта. Аммо шу ерда ҳақли бир савол туғилади: нима учун айнан суд жараёнида? Акциядорлик жамияти раҳбарлари зиммаларидаги масъулиятга виждонан ёндашганларида, эҳтимол, ўзгалар турткисига учрамаган ва табиийки, вазирлик ходимларини ортиқча даҳмазаликларга қолдирмаган бўлишарди.

"Тўрткўлдонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятида шоли ҳосили етиштириш учун хўжаликларга тўланиши лозим бўлган бўнак пуллари қонун доирасида тақсимланмаган. Контрактация шартномаларида бўнак пулларининг 25 фоизи июн ойида, 20 фоизи июн ойида, 5 фоизи август ойида тўланиши кўзда тутилган. Мисол учун акциядорлик жамияти ва туман ўрмон хўжалиги ўртасида имзоланган шартномага кўра, ўрмон хўжалиги жамият ҳисобига 5.800.000 сўмлик 40 тонна шоли топшириши лозим, деб ҳисобланган ва шу асосда унга 2.900.000 сўмлик аванс пули ажратилиши зарур эди. Бироқ ўрмон хўжалигига жамият томонидан бу пулнинг фақат 2.000.000 сўми ажратилган. "Ўзбекистон", "Мискин" ширкат хўжаликлари, "Жасур-Мансур", "ВикЭРО", "Равшанбек", "Озод", "Мустафо" фермер хўжаликлари мисолида ҳам худди шу тартибдаги қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилган.

Ўжалик судига киритилган даъво аризалари асосида акциядорлик жамияти фермер хўжаликлари олдидаги қарзларини батамом узди ва фермер хўжаликлари даъводан воз кечди. Нима дейиш мумкин? Лўнда қилиб айтганда, шу юзасидан юқорида "Бўстондонмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти мисолида билдирилган фикр-мулоҳазалар "Тўрткўлдошмаҳсулотлари" акциядорлик жамияти раҳбарларига ҳам бевосита дахлдордир.

Аванс пулларини ўз вақтида ёки тугал бермаслик ҳолатлари "Тахиатошдон" акциядорлик жамияти фаолиятига ҳам хосдир. Акциядорлик жамиятида яшириб бўлмас яна бир нуқсон сезиладики, бу контрактация шартномалари тузилиши билан боғлиқдир.

Шартнома шунчаки қоғоз эмас, у қонуний ҳужжат саналади. Бироқ "Тахиатошдон" акциядорлик жамиятида тузилаётган шартномаларда ушбу юксак талаб бир қадар унутиб қўйилганга ўхшайди. Фикр исботи сифатида айтиш мумкинки, жамият билан Элликқалъа туманидаги "Сандор" фермер хўжалиги ўртасида гуруч етказиб бериш юзасидан тузилган 59-сонли шартномада, шунингдек, "Нур-марка" корхонаси, "Даме" ва "Индира" хусусий дўконлари билан тузилган шартномаларда ҳуқуқшунос-маслаҳатчи хулосаси берилмаган. Элликқалъа туманидаги "Бўстон" масъулияти чекланган жамияти, Беруний шаҳридаги умумий овқатланиш корхонаси, "Бўстондонмаҳсулотлари" акциядорлик жамиятлари ўртасида имзоланган шартномаларда гуруч маҳсулотини қанча миқдорда ва қандай нархда етказиб бериш кўрсатилмаган бўлса, айрим шартномаларда буюртмачи муҳри ва шартнома тузувчи шахс имзоси қўйилмаган ёки шартномаларнинг тузиш саналари атайлаб ўзгартирилган.

Контрактация шартномалари тузилишидаги бу каби нуқсонларнинг иш ривожи ва меҳнаткашлар манфаатига тўсиқ эканлигини унутмаслик лозим.

Таъкидланганидек, дон-тўқинлик, фаровонлик рамзи. Дони мўл юртнинг ризқи доимо баланддир. Бинобарин, нони бутун, дастурхони файзли халқнинг шон-шавкати ҳамиша улуғ бўлади.

Тожимурод ЭШМУРОДОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

ИШНИ СИРТДАН КЎРИШ ИНСТИТУТИ

У ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССУАЛ ҚОНУНЧИЛИКДА ҚАНДАЙ ҲАЛ ЭТИЛГАН?

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Маълумки, ишда иштирок этувчи шахслар иш юритилаётган вақтда ўз манзили ўзгаргани ҳақида судга маълум қилиши шарт. Акс ҳолда, чақирув қоғози судга маълум бўлган охирги манзил бўйича юборилади ва чақирилувчи бу манзилда яшамаётган бўлса-да, чақирув қоғози унга топширилган ҳисобланади. Ушбу ҳолатда ҳам суд ишни сиртдан кўришга ҳақли бўлмайди.

Агар жавобгарнинг судга келмаганининг узрли сабаблари бўлса ва бу ҳақда хабардор қилинган бўлса, шунингдек, агар жавобгар ўзининг иштирокисиз иш кўришни илтимос қилса ҳам сиртдан ҳал қилув қарори чиқаришга йўл қўйилмайди.

Сиртдан иш юритишнинг иккинчи асосий шарти — даъвогарнинг сиртдан ҳал қилув қарори чиқаришга бўлган розилигидир. Ушбу розилик, албатта, даъвогарнинг ёзма аризаси билан ёки суд мажлиси баённомасида даъвогарнинг розилигини билдирувчи унинг имзоси билан тасдиқланиши лозим. Бундан ташқари, даъвонинг ўзида даъвогарнинг талабларини қаноатлантириш билан бирга жавобгар келмаган тақдирда «сиртдан ҳал қилув қарори чиқаришингизни сўрайман» мазмунидаги сўзларнинг киритилиши мақсадга мувофиқдир.

Агар суд мажлисига келган даъвогар ишни жавобгар иштирокисиз сиртдан иш юритиш тартибида кўришга рози бўлмаса, суд ишни кўришни кейинга қолдиради ва келмаган жавобгарга судда такрор кўриладиган вақт ва жой ҳақида қайта хабар юборади.

Мабодо суд мажлисига келган даъвогар сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилишига розилик бермаса, суд ишни кўришни бошқа кунга қолдиради. Бунда суд мажлисига келмаган жавобгар суд мажлиси бўлиб ўтадиган вақт ва жой ҳақида такрор огоҳлантирилади. Бундай ҳолларда ҳам даъвогарнинг сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилишини талаб қилиш ҳуқуқи сақланади. Бу эса сиртдан иш юритишнинг муҳим процессуал хусусиятларидан бири ҳисобланади ва ҳар қандай ҳолатда ҳам ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаати бузилган шахснинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилганлигидан далолатдир.

Қонун сиртдан иш кўриш жараёнида даъвогарнинг бир қатор процессуал ҳуқуқларини чеклаб қўяди. Чунончи, сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилишига розилик билдирган даъвогар суд процессида даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш ёки даъво талабларининг миқдорини кўпайтириши мумкин эмас. Ушбу процессуал ҳуқуқларнинг даъвогар томонидан иш кўриш жараёнида фойдаланиши ўз навбатида жавобгарнинг ҳуқуқларини бузиш деб ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқий меъёр жавобгарнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, жавобгарга бу ҳақда қўшимча даъво аризасининг нусхаси юборилгандан кейингина даъвогар юқорида кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиши мумкин.

Айтиш жоизки, сиртдан иш юритиш давомида даъвогар даъво талабларининг миқдорини камайтириш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин. Чунки бу ҳол жавобгар манфаатларига ўз таъсирини кўрсатмайди.

Сиртдан ҳал қилув қарорини қабул қилиш мумкинлиги масаласини ҳал қилаётган вақтда судлар қуйидагига алоҳида эътибор беришлари мақсадга мувофиқдир.

ФПКнинг 19-бобида назарда тутилган ҳал қилув қарорини даъвогарга эмас, балки жавобгарга нисбатан қўллаши лозим. Иккала тараф ҳам суд мажлисида иштирок этмаган ҳолларда умуман сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш мумкин эмас. Чунки ФПКнинг 224-моддасига биноан, ишни сиртдан кўриш учун даъвогарнинг розилиги лозим.

Амалиётда судлар томонидан иккала тараф ҳам суд мажлисига келмаган бўлса-да, ишни сиртдан кўриб ҳал қилув қарори чиқариш ҳолларга йўл қўйилмоқда. Ваҳоланки, ФПКда фақат жавобгар процессга келмаган ҳолатда сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш мумкинлиги аниқ кўрсатиб қўйилган.

Суд амалиётида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ҳамда қарорлар устидан берилган шикоятларни кўриш жараёнида сиртдан иш юритиш тартиби қўлланилиш ҳолатлари учраб туради. Бизнингча, низосиз бўлган фуқаролик ишларини сиртдан иш юритиш тартибида кўриб ҳал этиш мақсадга мувофиқ эмас. Сиртдан иш юритиш тартибини белгилаб берувчи процессуал қонун меъёрларида даъволи ишларда иштирок этувчи даъвогар ва жавобгарлар ҳақида сўз боради ҳамда жавобгарнинг суд мажлисига келмаслиги оқибат сифатида иш бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш мумкинлиги эътироф этилади (ФПКнинг 224-моддаси).

Фуқаролик процессуал қонунчилик сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари устидан шикоят қилишнинг икки шаклини назарда тутади. Биринчидан, суд мажлисида иштирок этмаган жавобгар ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган судга ўн беш кун ичида уни қайта кўриш ҳақида ариза беришга ҳақли бўлади. Бу ўз навбатида, шикоят қилишнинг махсус шакли бўлиб, фақат сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари учун белгиланади ва бунда биринчи инстанция суди томонидан сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларининг қонунийлиги текширилади.

Шикоят қилишнинг иккинчи оддий шакли сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари устидан ушбу қарор чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этувчи шахслар томонидан апелляция шикояти бериш ҳисобланади.

Ишда иштирок этмаган жавобгар шикоят қилишнинг ушбу шаклларидан бирини танлаш ҳуқуқига эга. Лекин сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорлари устидан бир вақтда қайта кўриш ҳақида ариза ва апелляция шикояти бериш мумкин эмас.

Процессуал қонунчиликда биринчи инстанция судининг сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини бекор қилишга олиб келувчи асослар белгилаб қўйилган. Хусусан, ФПКнинг 234-моддасига кўра, ҳал қилув қарорини сиртдан чиқарган суд ўз қарорини бекор қилишга қуйидагилар асос бўлади:

1) суд жавобгарнинг суд мажлисига келмаганлигига узрли сабаблар борлигини ва бу ҳақда судни ўз вақтида хабардор қилишнинг имконияти бўлмаганини аниқласа;

2) тараф сиртдан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг мазмунига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган далилларни тақдим этганини аниқласа.

Суд амалиётида жавобгарни тегишлича суд мажлиси жойи ва вақт ҳақида хабардор қилмасдан туриб, даъвогарнинг розилиги билан сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш ҳоллари учраб туради. Бу эса ишда қатнашишга жалб этилмаган шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига доир масалани ҳал қилиш деб таърифланади ҳамда ушбу ҳолатда ишни сиртдан иш юритиш тартибида кўрган биринчи инстанция суди сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорини жавобгарнинг бу ҳақдаги аризаси асосида бекор қилишга ҳақли бўлмайди. Биринчи инстанция суди томонидан иш юритиш давомида процессуал ҳуқуқ меъёрлари бузилгани боис сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори юқори судлар томонидан бекор қилиниши лозим бўлади (ФПКнинг 312-314-моддалари).

Демак, биринчи инстанция суди томонидан процессуал ҳуқуқ меъёрларининг бузилиши ёки нотўғри қўлланилиши оқибатида сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарорларини ушбу суднинг ўзи бекор қилишига йўл қўйилмайди.

Музаффаржон МАМАСИДДИҚОВ,
юридик фанлари номзоди



Jahon tajribasi

ГЕРМАНИЯ: ИХТИСОСЛАШГАН СУДЛАР

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ихтисослашган судларнинг фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Бу борада ривожланган давлатлардан бири бўлган Германияда ўзига хос тажриба тўпланган.

Ушбу мамлакатда манфаатдор шахсларнинг бузилган ҳуқуқини ҳимоя қилишда ихтисослашган судлар фаолияти йўлга қўйилган. Масалан, меҳнат низоларини ҳал этиш ихтисослаштирилган судлар томонидан амалга оширилади. Бундай махсус судлар уч инстанциядан иборат тизимда ташкил этилган: 1) Меҳнатга оид ишлар бўйича низони мазмунан кўриб, ҳал қилувчи биринчи инстанция судлари; 2) қуйи инстанция судларининг ҳал қилув қарорларини апелляция тартибида кўрувчи меҳнатга оид ишлар бўйича ер (земел) судлари; 3) барча меҳнатга оид ишлар бўйича судларининг ҳал қилув қарорларини ўзгартириш ва бекор қилиш ваколатига эга бўлган юқори суд инстанцияси ҳисобланувчи меҳнатга оид ишлар бўйича Федерал судлар.

Мазкур судлар нафақат меҳнат низоларини, балки жамоага оид бўлган бошқа меҳнат низоларини ҳам кўриб ҳал этади. Ушбу судлар ижарага берувчилар билан якка тартибда ишловчилар ўртасидаги меҳнатга ҳақ тўлаш, таътил бериш, ишдан бўшатиш масалаларини, шунингдек, касаба уюшмалари билан тадбиркорлар бирлашмалари ўртасидаги низоларни, иш ташлаш ва корхонанинг ёпилишининг қонунийлиги ҳақидаги низоларни ва бошқа масалаларни кўриб чиқишга йўналтирилган.

Бошқача айтганда, меҳнатга оид ишлар бўйича судларининг ваколат доирасига якка тартибдаги ҳамда жамоага оид бўлган меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар тегишлидир.

Меҳнатга оид ишлар бўйича биринчи инстанция судлари ва меҳнатга оид ишлар бўйича ер судлари одатда раис-профессионал судья ва бири, тадбиркорлар, иккинчиси, ходимлар вакилидан иборат бўлган икки нафар маслаҳатчи таркиби фаолият кўрсатади.

Меҳнатга оид ишлар бўйича биринчи инстанция судларининг профессионал судьялари адлия идораларининг розилиги билан ер (ҳудуд)ларнинг меҳнат вазирлари томонидан умрбод муддатга тайинланади. Профессионал судьяларни тайинлашдан аввал ушбу масала юзасидан биринчи инстанция судида фаолият кўрсатувчи махсус комиссиянинг маслаҳати олинади. Ўз навбатида, мазкур комиссия корхона ходимлари ва тадбиркорлари, шунингдек, адлия идораларининг тенг аъзоларидан иборат таркибда тузилади.

Меҳнатга оид ишлар бўйича ер судларида ҳам профессионал судьяларни тайинлаш нуфузли корхонанинг тадбиркорлари ва касаба уюшмалари вакилларининг маслаҳатлари асосида амалга оширилади. Мазкур судларнинг профессионал судьялари олий юридик маълумотга эга бўлиши лозим.

Меҳнатга оид ишлар бўйича биринчи инстанция судлари ва ер судларининг суд маслаҳатчилари касаба уюшмалари ҳамда корхоналари томонидан берилган рўйхат асосида қайта сайланиш ҳуқуқи билан ер (ҳудуд) меҳнат вазирлари томонидан тўрт йил муддатга тайинланади.

Германияда меҳнатга оид ишлар бўйича судларнинг тузилиши ўзида иерархия тизимини акс эттиради. Яъни суд ҳал қилув қарорлари расмий равишда кўпчилик овоз билан қабул қилинса-да, лекин барча суд инстанцияларида профессионал судьялар ҳал қилувчи овозга эга бўлади. Меҳнатга оид ишлар бўйича қуйи ва ер (ҳудуд) судларида низолар суд мажлисида раислик қилувчининг якка овоз бериши орқали ҳал этилади. Айнан ушбу судлар ҳал қилув қарорларининг дарҳол ижро этилиши билан боғлиқ масалаларни ҳам мустақил ҳал эта олади.

Меҳнатга оид ишлар бўйича судда иш кўриш тартибининг ўзига хос хусусиятларидан бири иш кўришда иштирок этувчи судьялар ҳуқуқий ҳолатининг ўзгариши, улар ваколати доирасининг кенгайтирилганлигидадир. Иш кўриш жараёнида судья тарафларнинг ўзаро норасмий тортишувларини ташкил этади, далилларга баҳо бериш жараёнида кенг текширувларни олиб боради.

Меҳнатга оид низоларни судда кўриб ҳал қилиш ўзининг оғзакилиги, тез ва кам харажатли эканлиги билан ҳам таснифланади. Жумладан, ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилган ходимнинг шикоятини тез фурсатда кўриб ҳал қилиш мақсадида қонунда икки ҳафталик махсус муддат белгиланган.

Суд қарорларининг ижроси ҳақида тўхталадиган бўлсак, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорлари ҳали қонуний кучга кирмасидан дарҳол ижрога қаратилиши ҳам мумкин. Ижро ишлари айрим истисноларни ҳисобга олган ҳолда, асосан фуқаролик процессуал қонунчиликда белгиланган умумий қоидалар асосида олиб борилади. Хусусан, мол-мулкни хатлаш ва даъвони таъминлаш юзасидан ажрим чиқариш шулар жумласидандир.

Германия суд амалиётда ходимларга иш ҳақи юзасидан қарзни ундириш тўғрисидаги ишларни кўриб ҳал қилишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилади. Ходим иш ҳақи юзасидан қарзни ундириш тўғрисида даъво кўзғатмай, балки ўз вақтида тўланмаган иш ҳақини ундириш тўғрисида суд буйруғи чиқарилиши ҳақида судга ариза билан мурожаат этади. Суд эса ўз навбатида ижро варақаси кучига эга бўлган суд буйруғини чиқаради.

Германияда меҳнат низоларини кўриб ҳал қилишнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг тарафлар ўртасида муроса (келишув)га эришишга йўналтирилганлигидадир. Хусусан, биринчи инстанция судида иш кўриш дастлаб мажбурий босқич сифатида тарафлар ўртасида келишув битимини тузиш учун уринишдан бошланади.

Ишни келишув билан тугаллашга эришиш учун нафақат дастлабки босқичда, балки иш кўришнинг барча босқичларида тегишли саъй-ҳаракатлар амалга оширилади. **"Меҳнат тўғрисида"**ги қонунда меҳнат ишларини кўриб ҳал қилаётган судьяларга процесснинг барча босқичларида келишувга эришиш мажбурияти юклатилган. Чунки ишни келишув билан тамомлаш суд харажатларининг қисқаришига олиб келади. Дарҳақиқат, тарафлар қуйи судларда ёки судлардан ташқарида ўзаро келишувга эришса, суд харажатлари ундирилмайди. Меҳнатга оид ишлар бўйича ер (ҳудуд) ва Федерал судларда келишувга эришилган тақдирда харажатларнинг тенг ярми ундирилади.

Германиянинг меҳнатга оид ишлар бўйича Федерал судлари фаолияти ҳам алоҳида эътиборга лойиқдир. Мазкур судлар ҳақиқатда қонунчилик ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ривожлантириш мақсадида асосан қонун ижодкорлиги вазифасини амалга оширади. Федерал меҳнат судлари қонун чиқарувчи идоранинг қонунларни яратиш борасидаги камчиликларини тўғрилаш ва тўлдириш, яратилажак қонунларни мамлакатнинг иқтисодий ҳамда ижтимоий ривожланиши учун мувофиқлаштириш каби ваколатларни ҳам ўз зиммасига олган.

Музаффар МУСАЖОНОВ

Ajab savdolar

Ҳаётда ким ҳам молиявий жарима тўлаб, ҳамёнига зарар келтиришни истайди, дейсиз?!. Тадбиркорлик йўли билан топаётган пулини беҳуда совурадиган одам йўқ. Албатта, молиявий жарима қонун нуқтаи назаридан тўғри бўлса, унда бошқа гап. Бу ҳақда баҳслашишга ҳожат қолмайди. Бироқ қонун талаблари бузилган бўлса-чи?!.

Аслини айтганда, биз қуйида фикр юритмоқчи бўлган воқеа ўтган йил 29 мартда Ғаллаорол туманида рўй берган. Бироқ ҳақиқатнинг қарор топиши бугунги кунгача чўзилиб келди...

НИҚОБ

остида уюштирилган ноқонуний текшириш

Ўшанда туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ходимлари иш режага кўра, Абдулла Қодирий номидаги маҳалла́да жойлашган "Моҳигул-89" хусусий дорихонасида "Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун талабларига риоя қилиниши юзасидан мониторинг, яъни кузатув ўтказишади. Дорихонада сотувчи томонидан истеъмолчи Ф.Мирсаидовга 3150 сўмлик дори-дармон сотилиб, касса чеки берилмаганлиги сабабли маълумотнома тузилади.

Туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Жиззах вилоят ҳудудий бошқармасига 2003 йилнинг 31 мартда бу ҳолат юзасидан қонуний чора кўришни сўраб, 01/33-сонли хат билан мурожаат қилади. Ўз навбатида ҳудудий бошқарма **"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"**ги Қонуннинг 27-моддаси, Вазирлар Маҳкамасининг **"Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун ҳужжатлари бузилгани учун монополияга қарши фаолиятни амалга оширувчи Давлат органи томонидан солинадиган жарималарни ҳўжалик юритувчи субъектларга қўллаш тартибини тасдиқлаш ҳақида"**ги қарорига асосан хусусий дорихонага 2003 йилнинг 2 апрелида энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида, яъни 453 минг 600 сўмлик молиявий жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Шундан сўнг Жиззах вилоят адлия бошқармаси монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш вилоят ҳудудий бошқармасининг молиявий жаримага тортиш тўғрисидаги қарорини бекор қилишни сўраб, вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритади. Аммо даъво судда кўриб чиқилиб, рад қилинади. Шундан сўнг адлия бошқармаси вилоят хўжалик судига апелляция тартибида шикояти беради. Буни қарангки, апелляция шикояти ҳам қаноатлантирмасдан қолдирилади. Шундан сўнг адлия бошқармаси Олий хўжалик судининг кассация инстанциясига шикоят хати беради.

2003 йилнинг 18 ноябрида Олий хўжалик суди кассация босқичида ишни кўриб чиқиб, вилоят хўжалик судининг биринчи ва иккинчи босқич суд қарорларини бекор қилиш, даъвогарнинг кассация шикоятини қаноатлантириш тўғрисида қарор чиқаради.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси томонидан қабул қилинган "Моҳигул-89" хусусий дорихонасига 453 минг 500 сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги қарорни ҳақиқий эмас, деб топди.

Хўш, бу низоли иш нега бунча узоқ чўзилди? Аслида ўзи қандай воқеа рўй берганди? Дорихона эгаси, хусусий тадбиркор Р.Қаршибоева ва унинг вакили Г.Иброҳимованинг нега эшикма-эшик сарсон бўлиб юриши нима билан изоҳланади?

Гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, Ғаллаорол туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ходимлари Ш.Саидмуродов, О.Назаров ва З.Маманазаров, ҳеч шубҳасиз, истеъмол товарлари мавжуд жойларда кузатув ўтказиш ваколатига эга эди. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли қарорининг биринчи бандида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятларига ички бозорларда истеъмол товарларининг зарур сифатини ва хавфсизлигини, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Қонун ҳужжатлари бажарилишини таъминлаш ҳуқуқлари берилган.

Бироқ Ғаллаоролда кузатувчилар ўз ваколатидан фойдаланиш пайтида қонун талабларини қўпол равишда бузишган. Бунга туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг 2003 йил 17 март кунги 4-сонли буйруғи мисол бўла олади. Энг аввало, бу буйруқда мониторинг-кузатув ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектнинг аниқ манзили кўрсатилмаган. Бундан шундай хулоса келиб чиқади: "Моҳигул-89" хусусий дорихонасида кузатув ўтказилиши буйруқда мавжуд бўлмаган.

Бундан ташқари, истеъмолчи Фарҳод Мирсаидовнинг вилоят адлия бошқармасига берган тушунтириш хати мазмунидан воқиф бўлсангиз, тадбиркорга нисбатан ноҳақлик, нохолислик қилинганини англаб оласиз.

"Мен бозор олдида турган эдим, — деб ёзади Ф.Мирсаидов, — Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти ходимлари келиб менга пул беришди. Дорихонага кириб, дори-дармон олиб, касса паттаси берса ҳам олмасдан чиқасан, деб айтишди. Мен уларнинг айтганларини бажардим".

Хўш, бунинг нимаси мониторинг ёки кузатув?

Ахир, бу хуфя одам ёллаб, тадбиркорнинг йўлига тўсиқ қўйишдан бошқа нарса эмаску!

Шу ўринда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги 414-сонли қарорига тўхтатилиб ўтиш жоиз. Мазкур қарорнинг 5-бандида назорат тартибида харид қилиш кўзда тутилмаган. Жамият ходимлари томонидан истеъмолчи Ф.Мирсаидовга йўл берилиб, кузатув ўтказиш мақсадида савдога жалб этганлари мавжуд қонун ва тартибларга зид эканлигини кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, ушбу қарорнинг 6-бандида бундай текширишлар ўтказиш учун аризалар асос бўлиши белгиланган. Кўриниб турибдики, молиявий жарима солишга кузатув ўтказилганининг ўзи кифоя қилмайди. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш идораси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз текширишларини назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг рухсати билан амалга оширганда, сарсончиликка, асаблар қақшашига, эзтироз ва гинахонликка асло ўрин қолмаган бўларди.

Шундай қилиб, Олий хўжалик суди Ғаллаорол туман истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятининг хатти-ҳаракатини кузатув ўтказиш ниқоби остида уюштирилган ноқонуний текширув, деб баҳолади.

Ҳасан ИБРОҲИМОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mitti maslahat

МОЛ-МУЛК ДАВЛАТ ДАРОМАДИГА ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛАДИ?

Суд ва тегишли идораларнинг қарори билан жисмоний ёхуд юридик шахсларнинг мол-мулки олиб қўйилиши ҳамда давлат даромадига ўтказилиши мумкин. Бу тадбир қонунчиликда белгиланган қуйидаги тартибда амалга оширилади. Дастлаб мол-мулкни олиб қўйиш тўғрисидаги материллар мол-мулкнинг истеъмол, фойдаланиш ва қайта ишлаш учун яроқлилиги ҳақида эксперт хулосаси ҳамда баҳолаш бўйича мутахассиснинг хулосаси билан биргаликда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган тегишли суд ёки идорага берилади. Шундан сўнг мол-мулкнинг давлат даромадига ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилган суд ёки идора ўзи чиқарган тегишли қарор кучга киргандан кейинги кундан кечикмай ижро ҳужжатларини ижро этиш учун Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш Департаментининг тегишли суд ижрочилари бўлимларига юборади.

Мол-мулкни давлат даромадига ўтказиш тўғрисидаги кучга кирган суд қарори асосида суд томонидан бериладиган ижро варақаси, шунингдек, ваколатли идоранинг мол-мулкнинг давлат даромадига ўтказилиши тўғрисидаги кучга кирган қарори нусхаси ижро ҳужжати ҳисобланади.

Ижро ҳужжатига олиб қўйиш тўғрисидаги далолатнома, мол-мулкнинг белгиланган талабларига мувофиқлиги тўғрисида эксперт хулосаси, мутахассиснинг мол-мулк баҳоланган тўғрисидаги хулосаси нусхалари, шунингдек, ижрони юритиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилинади.

Маҳмуд ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

Odamiylik qissasi

ЯХШИЛИК УНУТ БЎЛМАС

Чекка қишлоқлардан биридаги қабристонда оппоқ қайинлар қуюқ соя солиб турган қабр диққатимни тортди. Мармар қабртошдаги сурат ва ёзувларни кўриб, яна ҳам ҳайратим ортди. Чунки қабртошдаги "Икки дунёнгиз обод бўлсин, онажон. Миннатдор ўғил-қизларингиз номидан" деган зарҳал битик юқорисида "Олесья Собковская" деган ёзув ярақлаб турар, суратдан эса кўринишдан бу юртликка ўхшамайдиган, аммо бошига оқшол рўмол ўраб олган нуроний онахон меҳр тўла кўзларини гўё менга қадаб тургандай эди.

Қишлоқдагилардан бирининг «Раҳматли Олия хола беназир инсон эди», деган сўзларини эшитиб, у ҳақда билишга ошиқдим.

1. ОСМОН УЗОҚ, ЕР ҚАТТИҚ

Баъзан бахт ҳам, бахтсизлик ҳам қўшалоқ келади. Ўшанда ўтган асрнинг 70-йиллари эди, чамаси. Дарди-бедаво касалга йўлиққан Эсонбойни узоқ текширган тиббиёт ходимлари зудлик билан жарроҳлик операцияси қилмаса, бўлмайди, деган хулосага келишди.

– Операциядан кейин ҳам тракторчилик қилсам бўладими? – деди Эсонбой профессорга илтижо билан тикиларкан.

– Биз умуртқангизга тааллуқли операцияни амалга оширамиз, ука, – деди профессор оғир «уф» тортиб. – Яширишнинг ҳожати йўқ, трактор ҳайдаш у ёқда турсин, жарроҳликдан кейин гавдангизни кўтариб юрсангиз ҳам катта гап.

– Ундай бўлса, 6 нафар норасида болаларимни қандай қилиб, боқаман, дўхтир, – деди кўзларидан Эсонбой дув-дув ёш тўкар экан.

Профессор беморни хотиржам қилишга уринди: – Йигит одам ҳам йиғлайдими, ука. Болаларингизнинг бахтига тузалиб кетасиз. Мен ҳаммасини батафсил ўргандим. Армияда қаттиқ жароҳат олган экансиз. Бу ўшанинг асорати.

– Мен Сибирда, қурилиш батальонида хизмат қилганман, – деди Эсонбой ниманидир эслагандай. – Йиғлаб ҳам ўтирмадим. Ёшимда бор, бир марта устимга дарахт кесганмиз. Эсимда бор, бир марта устимга дарахт қулаб, госпиталда даволаниб чиққандим. Лекин бунга анча йиллар бўлди-ку, дўхтир?..

– Бундай жароҳатлар кўп йиллар ўтгандан сўнг асорат беради, – деди профессор. – Операциядан кейин врачлар назоратида бўлиб, ўз вақтида муолажаларни олсангиз, мутлақо соғайиб кетишингиз мумкин...

Орадан бир ой ўтиб, Эсонбойни операция қилишди. Шу куни хотинининг кўзи ёрди – олти нафар қиздан кейин кўпдан кутилган ўғил дунёга келди. Уйига жавоб беришгач, хотини Хадича чиллалик бўлса ҳам тушгача далада кетмон чопиб келиб, эрининг бошида парвона бўларди.

Кунлардан бирида чошгоҳ маҳали дарвозани кимдир зарб билан асабий тақиллатди. Дарвозани очган Хадичани от босиб кетишига оз қолди. Отда ўтирган Каримберди бригадир рўпарасида қўрққанидан дир-дир титраб турган нимжонгина аёлга қамчиси билан ургудай дағдаға қилди. Саломига алик ҳам олмади.

– Нега даладан қочиб келдинг?! – дея бригадир дўқ урди.

– Отаси ўрнидан туролмайди, овқатлантирай дегандим...

– Чой баҳона дийдор ғанимат дегин, - дея бригадир пичинг қилди.

Боядан бери даг-даг титраёган Хадича бу сўзни эшитиб сесканиб тушди.

– Вой, ундай деманг, биров эшитса уят бўлади, – дея Хадича уятдан қизариб кетди.

– Сен уятни биласанми? – деди бригадир оғзидан кўпик сачратиб, – ориятинг бўлса, ҳамма қатқалоқ юмшатаётганда, даладан қочиб келармидинг? Қани, ҳозироқ олдимга туш. Колхозчилар бугундан бошлаб далада ётади. Топшириқ шундай!

Қисқаси, Хадича ҳали чилласи чиқмаган боласини бағрига босганча далага кетди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Odamiylik qissasi

ЯХШИЛИК УНУТ БЎЛМАС

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Аммо орадан уч кун ўтмай Хадичани укаси она-болани эшакаравага ортиб уйга олиб келди.

Эсонбой хотинини дафъатан таний олмади. Хадичанинг юз-қўлларини яра босиб кетганди. Унинг тим қора сочлари сарғайиб, жонсиз бўлиб қолганди.

– Нормани бажаролмагандим, бригадир самолёт дори сепаётганига ҳам қарамай далага ҳайдади. Шундан сўнг баданимга яра-чақа тошиб кетди, – деди ўзини айбдордек ҳис қилаётган Хадича овози титраб. – Лекин болам соғ-саломат. Тожи хола эмизишимга қўймади. У эчки сутига ўрганиб қолди.

Кечга бориб Хадича қон қуса бошлади. Эсонбой умрида биринчи марта ўзининг ночорлигидан эзилиб кетди.

Эрта кун тонг саҳарда укаси ахволи оғирлашган Хадичани эшакаравага солиб, районга, врачга кўрсатиш учун олиб борадиган бўлди.

Хадича сафар олдидан эридан розичилик сўради.

– Юрагим сезиб турибди, – деди у ҳолдан тойган, нурсиз кўзларини базўр очиб. – Биз бошқа юз кўришмаймиз. Мен сиздан розиман, сиз ҳам мендан рози бўлинг. Сизга, болаларимга қийин бўлади...

Хадича гапириб чарчади, шекилли, бир муддат кўзини юмиб тин олди. Кейин кўзларини катта-катта очиб, эрига тикилди:

– Ҳеч қачон сизга тик қарамаган эдим. Охирги марта сизга тўйиб-тўйиб қараб олишга изн бersангиз. Яна беодоблик қиляпти, деб ўйламанг...

Хадича дўхтирхонагача етиб боролмади, йўлда жони узилди.

2. ШАФҚАТ МЕЗОНИ

Хотинининг вафотидан сўнг икки ой ўтмай Эсонбойнинг соч-соқоли оқариб кетди. Дард уни эзиб ташлаган эди.

Маҳалла-кўй аёллари узоқ-яқиндаги боши очиқ хотинларни битта қўймай ҳаммасига совчи бўлиб боришди, бироқ қуруқ қўл билан қайтиб келишди.

Охир-оқибат болаларнинг кичикларини тумандаги Болалар уйига топширишди. Ўн олтини қоралаган Малика билан ўн тўрт ёшли Моҳира чақалоқни ўзимиз боқамиз, деб туриб олишди.

Оила парокандага учраган, эртанги кун қандай бўлиши номаълум бўлиб турган ана шу кунларда юз берган бир воқеа ҳаммасини бирдан ўзгартириб юборди.

* * *

Болаларнинг етимхонага кўникиши қийин кечади. Шунинг учун бу ерда ишлаётганлар бирорта янги тарбияланувчини олиб келиб қолишмасин, деб эрталабдан кечгача юрак ҳовучлаб туришарди.

Болалар уйида фаррош бўлиб ишлайдиган Олия холани сира кўндириб бўлмайдиган энг бесабр болаларни ҳам бирпасда овутадиган аллақандай меҳригиёси бор эди. Шунинг учун бўлса керак, уруш йиллари тақдир тақозоси билан аллақайси юртдан келиб қолган бу жувон фарзанд кўрмаган бўлса-да, жуда кўп етим болаларга меҳри берган эди.

Олия хола болалар уйи яқинида яшарди. Ўша кун янги келган болани овутолмай ҳуноби ошган тарбиячи ярим кечаси Олия холанинг уйи эшигини тақиллатишга мажбур бўлди. Гап нима ҳақида эканини яхши билган уй эгаси ичкаридан кийиниб чиқди. У эшикни қулфлаётиб, йиғламоқдан бери бўлиб турган тарбиячи қиздан "Ўша икки ёшли қизча тўполон қиляптими?" деб сўради.

Тарбиячи "ҳа" дегандек боши билан ишора қилди.

– Ҳечқиси йўқ, бу биринчи марта эмаску, ҳозир ўзимиз келишиб оламиз, – деди қоронғу йўлда илдам қадам ташлаб бораётган Олия хола.

Ётоқхона эшиги ёнида кичиги 4 ёш, каттаси 8 ёшлардаги бир-бирига ўхшаш уч нафар қизалоқ нимагадир йиғлаб туришарди. Улар ичкарида тинимсиз йиғлаётган қизчанинг опалари экан.

– Синглимизнинг йиғлашини эшитиб, уйқумиз келмаяпти, – деди уларнинг каттаси кўзёшларини артаркан.

– Болажонларим, энди сизлар ухланглар, – деди Олия хола, – сингилларинг ҳам ором олади. Кейин у ўзига-ўзи "Етимлик қуриб кетсин, қурибгина кетсин-а", – дея уф тортиб.

Ичкарида нимжонгина қизчанинг йиғлайвергандан кўзлари қизариб кетган, патила-патила сочлари бир аҳволда эди. Икки ёшли Розиябону гарчи Олия холанинг бағрида бироз ором олган бўлса-да, кейин яна "Отамга кетаман" деб эшикка ёпишганча хархаша қилишга тушди.

Ўша оқшом Олия хола қизчанинг онаси вафот этиб кетгани, отасининг эса тўшакда михланиб қолганини эшитгач, тарбиячи ҳамроҳлигида уни уйига олиб бориб келишга директорни кўндирди.

Нотаниш хонадондаги аҳвол эса улар кутганидан ҳам ночоррок бўлиб чиқди. Ҳали ярим ёшга ҳам кирмаган Ёдгор бетоб бўлиб қолганди. Соч-соқоли ўсиб кетган Эсонбойнинг қари чолдан фарқи йўқ эди.

Олия хола бу аҳволни кўриб, юраги баттар эзилди. Ўзича тақдирни қарғади. Кейин бу уйдан оёқ узиб кетолмади, виждони йўл қўймади. Кечгача Ёдгорни ювинтириб, қорнини тўйдирди, уйни саранжом-сариштa қилди. Шу тобда унинг кўнглидаги раҳмшафқат ўрнини оналикнинг фараҳбахш туйғуси эгаллаб бораётгани, бунга қаршилик кўрсатишга кучи етмаётганини аниқ-тиниқ ҳис этди. Кейинчалик эса уни бу уйга тақдир етаклаб келганига ишонч ҳосил қилди.

Олия бу хонадонга эртаси кун ҳам, ундан сўнг ҳам ҳамширани қўярда-қўймай бошлаб келди.

Шундай кунларнинг бирида чой ичиб ўтирган маҳал Эсонбой бошидан ўтган воқеаларни Олияга гапириб берди-да, — қани энди, бу хонадонда сиздай бир аёл бўлсайди, болаларга бош бўларди. Айниқса, Ёдгор она меҳрига муҳтож, деди афсус билан.

Орага жимлик чўкди. Олия тилини учида турган гапни энди очиқ-ойдин айтишга жазм қилди.

– Ким билади, сиз азоб деган нарса менинг пешонамга ёзилгандир, – деди Олия ийманибгина. – Балки аёл бошим билан бу гапларни айтиш беодобликдир?

Эсонбойнинг кўзларидан ёш сизиб чиқди.

– Мен бир ногирон одам бўлсам, қўйинг, ундай деманг, – деди Эсонбой тўшакда қимир этмай кўз ёшларини артаркан.

– Бу йил 36 ёшга тўламан, деди Олия, асли польшаликман. Уруш бошланганда ота-онам мени Белоруссиядаги қариндошларимникига жўнатишди. Орадан кўп ўтмай у ерга ҳам фашистлар бостириб келишди. Қариндошларим билан Украинага кўчдик. Уруш эса гўё мени изма-из қувиб келаётгандек эди. Охири мени ҳам бошқа болалар қаторида поездда ўтириб Шарққа жўнатишди. Фарғонага келиб, илк марта қорним тўйиб нон едим. Болалар уйида катта бўлдим. Турмушга чиқдим. Лекин фарзанд кўриш менга насиб этмади. Бефарзанд ўтиб кетмасин, деб эримдан ўзим ажрашдим. Ўзим етим ўсганим учунми, ҳарқалай ўн йилдан бери ўзим тарбияланган болалар уйида ишлаяпман.

Кутилмаган бу бахтдан Эсонбой анчагача ўзига келолмади.

Хуллас, болалар уйи мудираси бош бўлиб, расм-русумини қилиб, кичкинагина никоҳ маросими бўлиб ўтди.

Шундан кейин кўп сувлар оқиб ўтди. Олия Эсонбойнинг болаларини ўз фарзандидек оқ ювиб-оқ таради. Унинг меҳри туфайли Эсонбой ҳам секин-аста оёққа туриб, соғайиб кетди. Қизлар уйли-жойли бўлиб, Ёдгорбек ҳам бир касбнинг бошидан тутгач, ойдай қизга уйланди.

Ҳаёт эса тасодифларга тўла экан. Тақдир бу оилани яна бир синовга рўпара қилди.

3. ТАҚДИР СИНОВИ

... Ўша кун Олия холани кўчада учратиб қолган келини — Ёдгорнинг хотини Гулсанам негадир у билан ҳадиксираб, совуқкина сўрашди.

Орадан икки кун ўтиб, автомашина оламиз, деб чол-кампир тўплаган пулнинг ярми йўқолганини бутун маҳалла эшитди.

Олия хола эса келини Гулсанам билан эрига билдирмай бекитиқча гаплашиб кўрди, лекин у тан олиш у ёқда турсин, ҳатто қайнонасини ўғри қилди. Бу гап Эсонбой аканинг синглиси Салиманинг ҳам қулоғига етиб борди.

Салима бутун маҳаллани бошига кўтариб, келинойисини шарманда қилди.

– Вақти келиб, акам бечоранинг топган пулларини ўмариб кетишингни билардим, – деди у шанғиллаган куйи. Бировни туққан болаларини ўстирдим, деб ўзингни авлиё фаҳмлаяпсанми?! Бу уйда менинг ҳам ҳаққим бор. Ҳеч қачон сенга бериб қўймайман.. Сени акам қўймаса, мана мен қўйдим...

Олия хола қайнисинглисининг қарғишларини чурқ этмай эшитиб турди, сўнг индамай ичкарига кириб, ўзича ўйлади: "Келинимни ўғри десам, бир томони ўзимга ҳам келиб тегади. Ҳақиқатни билиб қолса, Ёдгор Гулсанамни қўйиб юборади. Икки ўртада неварам тирик етим бўлиб қолади. Бундан кўра пулни ўзим ўғирладим, деб қўяқоламан. Мен хонадонда вазифамни бажариб бўлдим. Бегуноҳлигимни Оллоҳ билади-ку".

Олия хола бир қарорга келди-да, ташқарида ҳамон шанғиллаётган Салиманинг ёнига яқин бориб, шундай деди: – Пулни мен ўғирлагандим, эртагача жойига келтириб қўяман.

Бу гапни эшитиб Салима баттар овозини қўйиб шанғиллай бошлади. Кейин у жазавага тушиб, Олия холани кўчага ҳайдаб чиқаришгача бориб етди...

Шу куни уйига кеч келган Эсонбой ака тонг отганга қадар мижжа қоқмади. Ёдгор иккиси Олия холани излаб бормаган жойлари қолмади. Лекин уни ҳеч қаердан топишолмади. Воқеанинг бундай тус олишини хаёлига келтирмаган Гулсанам кечга томон қайнотасининг уйига келиб, йўқолган пулни уни олдига қўйди-да, йиғлаб юборди.

– Ўша кунни зарур бўлиб қолгани учун сандиқни ечиб, бир кийимлик атлас олгандим. Қарамабман, орасида пул бор экан, мени кечиринг, ота, – деди йиғлаган куйи.

Эсонбойнинг кўнгли хуфтон тортган эди, у келинига бир ўқрайди-ю, индамай уйдан чиқиб кетди.

Орадан уч ой ўтгач, Эсонбой сўрабсуриштириб Олия холани Тошкентдаги қариялар уйининг биридан топди. Болаларининг тинч-тотувлиги учун жонидан ҳам кечишга тайёр бўлган бу аёлни бутун қишлоқ олқишлаб кутиб олди. Ҳаёт аввалгидай сокин ўзанига тушиб кетди.

4. ХОТИМА

Ҳамқишлоқлари Олия холани ҳали-ҳануз унутишгани йўқ. Инсонийлик, одамгарчилик ҳақида гап кетганда, биринчи навбатда Олия холанинг номини тилга олишади. Яхшидан от қолади деганлари шу эмасмикан?

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Tahlil va saboq

МЕҲРСИЗЛИК ФОЖИАСИ

Айтишларича, эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам инсон билан ёнма-ён яшар экан. Агар инсоннинг иродаси суст бўлса, албатта, у ёвузлик, аксинча, иродаси мустаҳкам, имони бутун бўлса, эзгулик йўлига киради. Бунинг устига инсон ўз кўнглида нафрат ва аламга жой берса, бу туйғу тобора илдиз отиб, авж олса, албатта, кишини жаҳолат ва ёвузлик томон етаклайди. Донишманд Сукрот ғазабнинг аввали жунун, охири надоматдур, деганда ҳам ана шуни назарда тутган. Дарвоқе, ғазаб, нафрат аввал инсоннинг кўзини кўр, қулоғини кар қилиб, васвасага солади, ғазаб босилгач эса пушаймон ва надомат ўтида ёндиради. Яқинда Тошкент вилояти, Юқори Чирчиқ туманидаги "Қипчоқ" маҳалласида юз берган бир воқеа ҳам юқоридаги фикрни тасдиқлайди.

«Соҳибани уйида ўлдириб кетишибди», деган нохуш хабар бир зумда бутун маҳаллага ёйилди. Бироқ ким, нима учун унинг жонига қасд қилибди, деган саволга дафъатан ҳеч ким аниқ-тиниқ жавоб бера олмасди.

Ҳолбуки, кейинчалик бу саволга жавоб ҳам топилгач, яъни қотилнинг номини эшитиб, даставвал кўпчилик ишонқирамади. Нега деганда, бу қабиҳликка қўл урган кимса эндигина 17 ёшга қадам қўйган ўсмир, янада аниқроқ айтганда, марҳумнинг эрининг жияни Равшан эди.

Хўш, Равшан нега бундай қабоҳатга қўл урди? Уни қотилликка нима мажбур қилди?

Биз фожеа тафсилотларини баён этишдан олдин Равшан туғилиб ўсган оила, унда анча пайт ҳукм сурган муҳит ҳақида фикр юритишни лозим топдик. Зеро, бунинг ҳам қайсидир маънода рўй берган фожеага алоқаси йўқ эмас.

Равшан беш ёшга тўлганда оилада узоқ вақтдан буён давом этиб келаётган тинимсиз урушжанжал, ўзаро тортишув ва келишмовчилик охир-оқибат турмушнинг бузилишига олиб келди.

Оила бузилди.

Эр ўз йўлига, хотин ўз йўлига кетди.

Она бўлмиш Феруза 5 ёшли Равшанни қайнонасига ташлаб, ўзи танлаган йўлдан кетди. Кейинчалик у ўғлини батамом унутиб юборди. Она бўлиб, фарзандининг аҳволидан бирон марта ҳам хабар олмади.

Ота бўлмиш Рашид эса турмуши бузилгач, баттар тубанлашиб кетди, у одатда тинимсиз ичар, маст-аласт ҳолатда кўча-куйда, уйида жанжал-тўполон чиқарарди.

Табиийки, бундай нотинч ва серғалва ҳаёт боланинг руҳиятига ёмон таъсир қилар, у фақат бувисининг ғамхўрлигидан таскин топар, бу муштипар кампирнинг пинжига тиқилган куйи аммаси Ҳосиланинг қарғишларига кўзёш билан жавоб қайтарарди, холос.

Равшан 6-синфга ўтгач, унинг бирдан-бир ширин сўз айтгувчи Хайри бувиси ҳам вафот этди. Бунинг устига, ички илликкка муккасидан кетган отаси Рашид эса яна бир тубан ишга қўл уриб, узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Шундан сўнг Равшан ҳовлида аммаси Ҳосила билан яшай бошлайди.

Бироқ аммаси уни очиқ-ошкор ёқтирмас, аёвсиз калтаклаб, хўрлашдан заррача ҳам қийналмасди.

Бундай хўрлик охир-оқибат болани уйдан ҳайдаб чиқариш билан якун топди.

Агар аммасига девор-дармиён яшайдиган амакиси Маҳмуд хотинини базўр кўндириб, уйига олиб кирмаганда, у ҳеч шубҳасиз кўчада қолиб кетарди. Бироқ бу билан боланинг боши ғалвадан чиқиб қолмади. Янгаси Соҳиба ҳам болани турткилай бошлади. Одатда янгаси уни атай оч қолдирар, бир парча нон ва бир коса ёвғон овқатни унга раво кўрмасди. Кейинчалик эса янгаси турли хил ёлғон-яшиқ гапларни ичидан тўқиб-бичиб эрига чақар ва ўз навбатида эри болани дўппослар эди. Равшан 6-синфни тугатгач, мактабга ҳам бормай қўйди. Бу орада онасидан қолган ҳовлини сотиш учун аввал Равшанни уйдан рўйхатдан чиқариб юборган амма кўп ўтмай уйни пуллади-ю, қаёққадир ғойиб бўлди. Орадан бир-икки йил ўтгач, амаки томонидан уйдан ҳайдалган Равшан дуч келган жойда ётиб юрди. Жамоа хўжалигининг маданият уйи биносида тунаб, кундузлари ҳар жойда дайдиб юрган ўспирин 2003 йилнинг 27 апрелида мол боқиб юрган ўртоқларининг ёнига борганда, уларнинг оғзидан амакисининг узоққа кетганини эшитиб қолди. Эшитди-ю, унинг бирдан ҳаёли бузилди: амакиси узоққа кетган бўлса, демак, уйда янгасининг ёлғиз ўзи қолган...

Шу тобда ҳали ўспирин ёшидаги боланинг кўнглида ёвуз бир ният бош кўтарган эди. У ана шу ўй таъсирида амакисининг ҳовлисига кириб борди. Соҳиба янгаси аввало унга қошларини чимириб, беписанд қараб қўйди-да, сўнг «Келганинг яхши бўлди, ўзим ҳам сени кутаётгандим. Ҳозир ручка билан қоғоз бераман, уйдан рўйхатдан чиқиб кетиш учун ариза ёзиб берасан. Биз шунинг учун сени излаётгандик», — деди.

Янгаси бу гаплари билан боланинг юрагидаги пинҳона нафрат ва алам оловига баттар яна мой сепган эди.

Бироқ Равшан сиртдан ўзини хотиржам тутар, алам-у ғазаби қайнаб турса-да, сездирмасди.

— Майли, ариза ёзсам, ёзиб бера қолай, — деди у. — Қоғоз билан ручка беринг.

Соҳиба ҳам унинг бирдан розилик берганидан ичидан қувониб кетди, у шошиб меҳмонхонага кириб, шкафни титкиларкан, ўзида йўқ мамнун эди. Бироқ унинг бу қувончу-мамнунлиги узоққа чўзилмади. Равшан қўлида пичоқ билан унинг ортидан келди-да, бўғиб олди...

Фожеа кўз очиб юмгунча рўй берди. Қаҳру ғазабдан бутунлай ўзини йўқотиб қўйган Равшан қандай мудҳиш ишга қўл урганини ўзи ҳам англаб етмаган эди...

Кейин сўраб-суриштириш бошланди. Равшан қотилликка қўл урганини тан олди. Унинг жиноятига яраша жазо тайинланди.

Шу билан бу воқеа тафсилотларига якун ясасак бўларди. Аммо бу фожеали воқеанинг кишини ўйга толдирадиган, мулоҳаза юритишга ундайдиган жиҳатлари жуда кўп.

Албатта, Равшанни, у содир этган фожеани ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам у қилмишига яраша адолатли жазо олди.

Бироқ, албатта, бу бизнинг шахсий фикримиз, бу қотиллик учун фақат уни айблаш ҳам инсофдан эмас.

Ҳолбуки, аввал бошда Равшан туғилган оила бузилмаганда, ота ва она ўз фарзандига меҳр-муҳаббат, тарбия берганда, у ноқобил йўлга кирмасди, ҳеч қачон қўли қонга ботмасди. Демакки, бу қотилликнинг рўй беришида Равшан, унга меҳру-муҳаббатини беролмаган ота-онаси ҳам баббаравар айбдор эмасми?!

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳаётда бир кимсанинг тубан кетиши, йўлини йўқотиши бошқаларнинг ҳам умрини издан чиқариб юбориши мумкин. Бу фикрга юқоридаги воқеа ҳам мисол бўла олади.

Умида БОЛЛИЕВА,
"Инсон ва қонун" мухбири

Mitti maslahat

ТАЪЛИМ КРЕДИТИ КИМГА БЕРИЛАДИ?

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб ёшларга, уларнинг таълим, тарбияси билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

1997 йил 29 августда "Таълим тўғрисида"ги қонун, шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастури қабул қилинди. Мазкур қонун ва дастурни ҳаётга татбиқ этиш, ёшларнинг таълим олиши учун янада кенгроқ имкониятлар яратиш, олий маълумот олаётган фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш мақсадида 2001 йил 26 июлда Вазирлар Маҳкамасининг "Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу қарор асосида қабул қилинган Низомда таълим кредитлари бериш тартиби, муддатлари, шартлари, имтиёзли ҳолатлар батафсил баён этилган.

"Олий ўқув юртларида тўлов-контракт асосида ўқиш учун таълим кредитлари бериш тўғрисида"ги Низомга асосан, таълим кредитлари тижорат банклари томонидан кредитни қайтариш, тўловнинг таъминланганлиги, муддатлилиги ва улардан мақсадли фойдаланиш шартлари асосида олий ўқув юрти муассаларининг кундузги бўлимига ўқишга кирган Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, талабанинг ўқиши учун талабанинг ўзига, унинг ота-онаси ёки васийларига берилиши мумкин.

Таълим кредити Олий ўқув юртида ўқиш даврини ҳисобга олган ҳолда бакалавриатга қабул қилинган талабаларга 10 йил, магистратурага қабул қилинган талабаларга 5 йил муддатга берилади. Агар талаба ўқиш даври давомида муддатли ҳарбий хизматга чақирилса, хизматни ўташ даври юқорида белгиланган муддатга кирмайди.

Ғайрат АБДУЛЛАЕВ тайёрлади.

Charxi kajraftor

ЖИНОЯТЧИ АЁЛЛАРНИНГ "ФАОЛЛИГИ"

Охирги 20 йил ичида Европада аёллар содир этаётган жиноятлар сони 400 фоизга, 1960 йилдан ҳисоблаганда 600 фоизга ошган. "Газета" номли рўзноманинг ёзишича, бу маълумотлар Европарламентга Италиянинг "Miriam Tomponzi Investigations" номли ташкилоти томонидан тақдим этилган.

Парламентнинг кўрсатмаси асосида бу ташкилот Европанинг ўнта давлатида иш олиб борган ва маълумотлар йиққан. Бу давлатлар ичида биринчи ўринда Италия туриб, унда ҳар бир еттинчи жиноятчи (жиноятларнинг 14 фоизи) аёлларга тўғри келади. Бундан ташқари, Италияда болалар ўлдирилишининг 60 фоизи аёллар томонидан содир этилади. Буюк Британияда қотилликларнинг умумий сонидан 30 фоизи аёл қотилларга тўғри келади. Ўртача ҳисобда Европа бўйича аёллар қотилликларнинг 13 фоизини содир этади.

2003 йилда Европада 475 нафар аёл ушланиб, уларнинг иши судга топширилган.

ЖИНОЯТГА ЯРАША ЖАЗО

Германияда оғир жиноятлар содир этган шахслар умрининг охиригача жамиятдан алоҳида яшаши мумкин. Бу ҳақида Германиянинг Конституциявий суди қарор чиқарди. Унга кўра, оғир жиноят этган шахслар бир умрга ёки муайян муддат давомида изоляцияланган камерада сақланади.

ЎҒИРЛИК ЁШ ТАНЛАМАЙДИМИ?

Вахитовск (Татаристон) шаҳрида ўрта мактабнинг катта синф ўқувчиси бир қанча ўғрилик содир этганликда айбланмоқда. Маълум бўлишича, ўспирин кечқурунлари кекса аёлларга ҳужум қилиб, уларнинг пули, нарсаларини ўғирлаган. Ҳозирги кунда ўспирин ўз қилмишларини бўйнига олиб, содир этган еттита жиноятлари ҳақида маълумот берган.

ОДАМХЎРГА БЕРИЛГАН ЖАЗО

Германияда 42 яшар одамхўр (каннибал) устидан қўзғатилган иш ўз ниҳоясига етди. Бу кимса Интернет орқали бир аёл билан танишиб, сўнг бу аёлнинг розилиги билан уни ўлдирган. Унга одам ўлдирганлик ва одамхўрлик айблови берилиб, умрбод қамоқ жазоси қўлланилиши керак эди. Лекин айбланувчининг адвокати "айбланувчи одам ўлдирган эмас, балки (унинг қурбони розилиги билан) аёлнинг ўз жонига суиқасд қилишида ёрдам берган" деган фикрни илгари сурган. Бу фикр инобатга олинган ҳолда айбланувчи саккиз ярим йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилди.

Исломбек РУСТАМБЕКОВ тайёрлади.

ҚАБОҲАТ ГИРДОБИ

Ўшанда ёзнинг айни жазирама кунларидан бири эди. Қуёш борлиқни "ёндираман" дейди. Қишлоқ болалари мазза қилиб дарёда чўмилишяпти. Бир пайт уларнинг кўзи дарёнинг саёз жойидаги тўнгакка илиниб қолган қопга тушиб қолди. Бу қандай қоп, унинг ичида нима бор? Болаларнинг кўнглида қизиқувчанлик устун келиб, улар бир зумда лой босган қопни ўраб олишди. Ҳатто улардан бири қўрқмай қопни қирғоққа тортиб чиқариб, унинг оғзини очди... Бироқ "сеҳрли" қопнинг сири ошкор бўлгач, ҳаммалари тўрт тарафга тим-тарақай қочиб кетди...

Шундан сўнг бу совуқ хабардан бир зумда қишлоқ аҳли хабар топди. Қишлоқ фуқаролар йиғини посбони Ш.Қурбонов болалар айтган жойга, дарё қирғоғига етиб келди. Кейин у бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимларига хабар берди. Туман ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан зудлик билан тезкор тергов гуруҳи тузилди.

Дарёдан топилган номаълум шахс мурдаси эркак жинсига мансуб бўлиб, ёши 30-35 лар чамасида эди. Унинг қўл-оёқлари сим билан маҳкам боғланган ва синтетик матодан тикилган қопга солинган эди. Тезкор-тергов гуруҳи аъзоларининг саъй-ҳаракатлари тез орада ўз натижасини берди. Дарё қирғоғидан топилган мурданинг шахси аниқланди. У Поп туманида яшовчи муқаддам икки маротаба судланган, ўзига тайин этилган жазони ўтаб қайтган Салим Ҳайдаров (исм-шарифи шартли равишда ўзгартирилди) эди. Бу ҳақда унинг уйдагиларига хабар қилинди.

Бироқ марҳумнинг уйидаги қариндош-уруғи бу нохуш хабарни эшитиб, ишонишмади.

— Бундай бўлиши мумкин эмас, — дейишди улар. — Ахир, Салимжон Ангренга, хотининг олдига кетганди-ку?!.

— Кимдир унинг жонига қасд қилиб, сўнг жасадни эса қопга солиб, Сирдарёга ташлаб юборган, — дейишди жиноят қидирув идораси ходимлари.

Шу ўринда марҳум С.Ҳайдаровнинг ўлими билан боғлиқ суд-тиббий экспертизаси хулосасидан парча келтирсак: Марҳумнинг ўлими унинг бўйнидан бўғиш натижасида, яъни механик асфиксия натижасида келиб чиққан. Марҳум ўлимидан олдин қаттиқ маст ҳолатда бўлган. Ушбу мастлик қаршилик кўрсатиш, қочиш ёки ўзини ҳимоя қила олмаслик даражасида бўлган.

Бу хулосадан шундай табиий савол пайдо бўлади: Салимжон ўлими олдидан кимлар билан учрашган?

Ростини айтиш керак, жиноят қидирув ходимларининг бу борадаги изланишлари деярли кутилган натижани бермади. Лекин...

...Лекин негадир марҳумнинг онаси, укалари ва бошқа қариндош-уруғлари мазкур жиноят ишига совуқ муносабатда бўлишди.

Бу ҳар қандай зийрак кишининг кўнглида шубҳа уйғотар эди. Бироқ ҳали марҳумнинг тупроғи совумай туриб, бу ҳақда саволжавоб ўтказиш оғир эди.

Қисқаси, Салимжоннинг марака-маросимлари ўтди. Бу орада мазкур жиноят ишига тааллуқли бўлган бир қанча далил-исботлар ҳам тўпланди.

— Раҳматли кўп ичарди, — дейди ён қўшниларидан бири, — ичганида уйдагиларга тинчлик бермасди. Бўлар-бўлмасга тўполон кўтарарди. Ҳатто онаси бечорани "хотин олиб берасан, уйлантирасан" деб калтаклаган кунлари ҳам кўп бўлган. Бир гал укаларига пичоқ ўқталди. Жаҳл устида пичоқ билан ўзининг танини тилиб ташлади. Кичик укаси Раҳматжоннинг юзига пичоқ тортиб юборди. Мен бир бало қилиб, алдаб-сулдаб унинг қўлидан пичоқни тортиб олгандим.

— Мусулмончиликда ўлган кишини ёмон деб бўлмайди, — деди гувоҳлардан бири қишлоқ фуқаролар йиғининнинг посбони Ш.Қурбонов, — аммо бу ҳақда ҳақиқатни, тўғрисини айтиш керак. Марҳум икки марта судланган. Биринчи хотини билан ажрашиб кетган. Қайноғалари билан жанжаллашиб, қамалиб чиқди. Бир эмас, бир неча марта қишлоқ фуқаролик кенгашининг идорасига чақириб, уни муҳокама қилганмиз. Соғлиғида "хўп, хўп иккинчи такрорланмайди", дейди. Бироқ ичиб олгач, ўз билганидан қолмасди...

... Ўша кунлари Шарофат момонинг қувончи чексиз эди. Чунки унинг қизи кўпайишганди. Момо янги меҳмонга исириқ тутатди. "Ёмон кўзлардан яратганнинг ўзи асрасин", деди.

Қисқаси, ҳамма хурсанд, ҳамма шод. Бироқ оила аъзоларининг қувончи узоққа чўзилмади. Ўйлар-ўйлар, ҳаёлларнинг ҳаёлларини ўйлаб, ҳаётнинг ҳаётини ўйлаб, ҳаётнинг ҳаётини ўйлаб, ҳаётнинг ҳаёт